



# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!»

www.mv-vatanparvar.uz

vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

# VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш  
учун QR-кодини  
сканер қилинг.

...Оламда кўп эрур ибора,  
Бир сўз бор оғриқдан иборат.  
У – Ватан! Барчимиз, у – Ватан!  
Боламга «Ватан» де илк бора.

Сўзлагин энг юксак тилақдан,  
Бўтадай бўзлаган юракдан.  
«Ватан» де... Боламнинг қонига  
Оқиблар кирсин у кўкрақдан.

Усмон АЗИМ,  
Ўзбекистон халқ шоири

4-бетда



«АРТИЛЛЕРИЯ ОЛОВИ УСТАСИ»:  
ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

7

ЛОТИН ЁЗУВИГА  
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК  
АЛИФБОСИ: НИМАЛАР  
ЎЗГАРМОҚДА?

9

«ҲАЛИМАСИ,  
БИЙРОНИДИР  
ЎЗБЕКНИНГ»

10

«БОБУРНОМА»ДА  
ҚАРДОШЛИК ВА  
ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

14

ПЎЛАТ ИРОДАЛИ  
ИНСОН ЭДИ...

## ҲАР ҚАЧОН УЙҒОҚ БЎЛ, ВАТАН ОЛДИДА!

2021 йил 21 май, №20 (2927)

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар  
билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaa\_press

facebook.com/UzArmiya

instagram.com/uzbekistanarmy

www.youtube.com/c/UzArmiya



# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 май куни соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Тинчлик ва соғлиқ – инсон ҳаёти учун энг керакли неъматлар. Бу икки йўналиш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим негизлари этиб белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси асосида соҳа босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда. Сўнгги бир йилда тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу йил соҳага бюджетдан 21 триллион сўм, яъни 2017 йилга нисбатан 3 барабар кўп маблағ ажратилди.

Лекин тизимда самарадорлик ва аҳолига қулайликларни ошириш бўйича ҳали кўп иш қилиш керак. Жойларда ўтказилган сўровларда бор-йўғи 13 фоиз аҳоли тиббиётдаги ижобий ўзгаришларни сезаётганини айтган.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги вазифаларни 5 та йўналишда кўрсатиб ўтди.

Биринчиси – бирламчи тиббиёт бўғинини касалликни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантириш.

Иккинчиси – ихтисослашган марказлар томонидан жойларда тор доирадаги тиббий хизматлар ҳажмини ошириш ва сифатини тубдан яхшилаш.

Учинчиси – рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш.

Тўртинчиси – тиббиётнинг барча йўналишларида рақобатни ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтириш.

Бешинчиси – тиббиёт ходимлари билимини ошириш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш.

Йиғилишда ушбу вазифаларни бажаришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

– Тиббиётдаги ислохотларни сифатли, манзилли амалга оширсак, одамлар рози бўлади, соғлиғини тиклаб олади. Соҳа мутасаддилари, ҳокимлар ҳар бир қишлоқ шифокори билан, ҳамширалар билан гаплашиб, жаҳон тажрибасини ўрганиб, чора-тадбирлар кўрса, албатта, ўзгариш бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Аввало, оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда тиббий хизматлар сифатини яхшилаш масаласига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда 250 дан зиёд касалликларнинг 87 тасини бирламчи бўғинда даволаш мумкин. Бунинг учун мазкур бўғинни малакали кадрлар, шошилинч ёрдам учун зарур 50 хил дори ва 16 турдаги тиббиёт воситаси билан таъминлаш керак.

Президент сурункали касалликларни бирламчи бўғинда даволаш, айниқса, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак хасталиклари профилактикасини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Бирламчи бўғинда даволаш зарур бўлган касалликлар бўйича бепул тиббий хизматлар пакети жорий этилиши белгиланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда оилавий шифокорлар малакасини ошириш, «Қишлоқ шифокори» дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларга мутахассисларни жалб қилиш кераклиги қайд этилди. Оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Юртимизда 17 та ихтисослашган тиббиёт маркази бор. Улар томонидан жойларда тиббий кўриклар ўтказилаётгани натижасида касалликлар эрта аниқланиб, оворагарчиликларнинг олди олинмоқда.

Хусусан, фтизиатрия ва педиатрия марказлари барча ҳудудларда ўз филиалларини ташкил этгани боис, Тошкентга келувчи беморлар сони сўнгги 2 йилда қарийб 20 фоизга камайган.

Давлатимиз раҳбари ихтисослашган марказлар билан вилоят, туман ва шаҳар шифохоналарини самарали боғлаб, малакали тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мисол учун, жарроҳлик амалиёти талаб этмайдиган юрак-қон томир, ошқозон-ичак, нафас йўллари, тери касалликларига диагноз қўйиш, даволаш ва реабилитация жараёнларини туманларда амалга ошириш мумкин. Кўз микрохирургияси, урология, травматология, кўкрак ва қорин бўшлиғи йўналишларидаги жарроҳлик муолажаларини вилоят даражасида ташкил қилиш учун шароитлар етарли.

Республика марказларида эса мураккаб ташхисли касалликлар ва юқори технологик амалиётлар бажарилиши устувор бўлиши керак.

Шу боис, вилоят ва туман шифохоналарида даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаб, қуйи бўғин шифокорлари малакасини ошириш чоралари белгиланди.

Ҳокимликларга ҳудудий тиббиёт муассасаларини ангиограф, лапароскоп, сунъий қон айлантириш каби юқори технологик ускуналар ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларига лицензия бериш тартибини соддалаштириб, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги айtilди.

Мамлакатимизда 3 мингдан ортиқ тиббиёт муассасаси бўлиб, уларнинг фаолиятига замонавий технологиялар

жорий этилмоқда. 423 та бирламчи тиббиёт муассасаси «Электрон поликлиника» ахборот тизимига уланган.

Лекин янги ишлаш учун ҳамма жойда ҳам шароит зўр эмас. Айрим тиббиёт муассасаларида компьютер етишмайди. Соҳани рақамлаштириш учун бу йил бюджетдан 28 миллиард сўм ажратилган бўлса-да, бу борадаги ишлар суст кечмоқда.

Шу боис, вилоят тиббиёт бошқармаларида рақамлаштириш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича ўринбосар лавозими ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, барча тиббиёт муассасаларида электрон тизим билан ишлайдиган 2 мингта оператор-ҳамшира вазифаси жорий этилади.

Шу йил 1 августга қадар электрон ордер тизимини ишга тушириб, барча ҳудудлар ва ихтисослашган марказларни улаш, Тошкент шаҳридаги барча поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, болаларнинг тўғри овқатланишини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлиллардан келиб чиқиб, мақсадли скрининглар ўтказиш вазифаси қўйилди.

Вилоятларда перинатал ва скрининг марказлари ягона кластер сифатида бирлаштирилиб, тумангача тушадиган бўғин ташкил қилиниши қайд этилди.

Соҳадаги яна бир долзарб йўналиш таълим, фан ва кадрлар тайёрлашни ривожлантиришдир.

Тиббиёт соҳасидаги ҳозирги таълим услублари бундан 30–40-йиллар аввал тасдиқланган, дарсликларнинг аксарияти халқаро стандартларга жавоб бермайди. Олий ўқув юртлари ва ихтисослашган марказларда илмий салоҳиятга қизиқиш, рағбат кам.

Шу боис, тиббиёт олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, илғор хорижий тажриба асосида, менежерлар ҳамда юқори технологик ускуналар билан ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш бўйича янги йўналишлар очиш зарурлиги таъкидланди. Ординатура ва магистратурада ўқиётган иқтидорли ёшларни хорижда малака оширишга юбориш юзасидан кўрсатмалар берилди.

– Соғлиқни сақлаш тизимида ҳар йили бир неча триллионлаб маблағ ажратилди, халқаро кредитлар жалб қилинади. Ушбу ажратилаётган маблағлар самарасини халқимиз сезиши керак, – деди Президент.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

## O'ZBEKISTON

HAFTA ICHIDA

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 май куни «Российские железные дороги» компанияси («РЖД» ОАЖ) бош директори – бошқаруви раиси Олег Белозёровни қабул қилди.

Амалий шерикликни кенгайтириш, жумладан, мамлакатимизда темир йўллар тизимини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик қилиш, юк ташишлар ҳажмини кўпайтириш учун қулай шароитларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш механизмларини йўлга қўйиш, йўловчи поездларининг қатновини қайта тиклаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

● Жорий йил 18 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбир кун тартибига биринчи масала сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини кўриб чиқиш киритилган эди.

Хужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан маъқулланди. Хужжатга дунёнинг турли минтақаларидаги 60 га яқин давлат ҳаммуаллифлик қилди.

● Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 18 май куни «Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор имзоланди.

● 18 май куни Юртбошимиз мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон банки президентининг ўринбосари Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Делегация ташрифи давомида сув таъминоти тизимини яхшилаш ва инновациялар соҳасидаги миллий сиёсатни қўллаб-қувватлаш бўйича қиймати қарий 300 миллион долларлик лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида битимлар имзоланди. Учрашувда Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан янги беш йиллик Шериклик дастурини пухта тайёрлаш ва қабул қилиш тўғрисида келишиб олинди.

● 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

**ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИСИ ЭКАНЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН!

*Донолар шундай дейди: «Инсон энг кўп ўйлайдиган, сўйлайдиган, куйлайдиган мавзу – Ватан. Энг буюк жасоратлар сабаби – Ватан. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик – улўф туйғу. Ватанга муҳаббат унинг фаровонлиги, осойишталиги, қудрати йўлида қилинган меҳнатда бўй кўрсатади».*

**Х**а, инсон учун киндик қони тўкилган тупроқ – Ватан. У биз учун саждагоҳ каби мўътабар. Она сути билан жонимизга жо бўлган, инсон фитратидаги нозик бу туйғу бизни доим буюк ишларга руҳлантиради. Ватанни ҳимоя қилмоқ, уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрамоқ ҳам ана шундай буюк ва муқаддас вазифадир. Зеро, муқаддас ҳадисларда Ватан ҳимоясида бедор ўтган бир кун, бир ой кечаю кундуз қилинган ибодат билан тенг эканлиги келтирилди. Шукурки, юртда Ватанни севадиган, ардоқлайдиган, ҳимоя қиладиган мардлар бор. Улар бор экан, юрт доим юксалаверади, ҳар бир оилада фаровонлик, тотувлик ҳукм сураверади. Шунинг учун ҳам ҳарбийларнинг юрт учун қилаётган хизмати, жонқуярлиги, фидойилиги шон-шарафга йўғрилади. Қаҳрамонимиз, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби подполковник Бахтиёр Ҳайитов ҳам ана шундай шарафга эришган юртимизнинг асл фарзандларидан бири.

## УЛҒАЙИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

– Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида туғилиб вояга етганман. Болалигимдан китоб ўқишни, билим олишни яхши кўрардим. Нокамтарлик бўлса ҳам айтай, мактабни битиргунча номим аълочи ўқувчилар қаторида тилга олинган. Кимё фанига қизиқардим. Моддаларнинг тузилиши ва ўзгаришини чуқурроқ ўрганишни истардим. Нега айнан бу фанни ўрганишга меҳрингиз тушган, дейсизми? Чунки кимё – ишлаб чиқаришлар, кашфиётлар асосини ташкил қилади. У ҳар доим мамлакатлар иқтисодининг ривожланишида, халқларнинг фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутган. Тарихий маълумотлардан маълумки, одамлар қадимда рудалардан металлларни ажратиб олиш, турли хил қотишмалар тайёрлаш ва қўллаш, жумладан, шиша тайёрлаш ва ундан турли мақсадларда фойдаланишни билганлар. Милоддан аввал Мисрда кимёвий жараёнларга асосланган хунармандчилик ривожланган. Ўшандаёқ пишиқ чарм тайёрлаш, уни бўйаш, ўсимликлардан дори-дармон ва хушбўй ҳидли моддалар олиш яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистонда топилган жуда кўп тарихий буюм ва ёдгорликлар аждодларимизнинг ҳам қадимдан кимё хунаридан бохабар бўлганлигидан дарак беради. Бир сўз билан айтганда, мазкур фаннинг Шарқ мамлакатларида ривожланганлиги, бу борада ўрта осиелик олимларнинг хизмати катта эканлиги жуда кўп китобларда ёзилган. Энди ўйлаб кўринг, шундай қизиқарли фанга меҳр қўймай бўладими? Йиллар

## ШАРАФГА ЭРИШИШ ҲАМ УЛУҒ САОДАТ



ўтиб, мана шу меҳр, истак мени Самарқанд давлат университетининг Кимё факультетига ўқишга киришга ундаган. Университетни тамомлаганимдан кейин эса бироз вақт ўтиб, ҳаётимни ҳарбий соҳа билан боғладим.

## ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛИШ

– Ота-онамнинг ёнига илк бор ҳарбий либос кийиб борганим кечагидек ёдимда. Уйимиз тўйхонага айланиб кетган. Ўшанда дадам «Бизнинг оиладан ҳам ҳарбий чиқди. Кўрсатганига шукур», деб кўзига ёш олиб, дуо қилганларини эсламан. Бу кун умр китобимнинг нурли саҳифаси сифатида хотирамда муҳрланган. Вақтни оқар сув деб бежиз айтишмас экан. Қаранг, шу воқеага ҳам 17 йил бўлибди.

Биз оилада тўққиз нафар фарзанд улғайганмиз. Тўрт ўғил, беш қиз. Отам ўқитувчи эди. Олтмиш беш ёшгача мактабда ёшларга сабоқ берди. У киши бирор марта биз, фарзандларга овозини баландлатиб гапирганини эслолмайман. Бизнинг ўқимишли инсонлар бўлиб улғайишимизни истарди. Уйимизга меҳмон келса, ҳар доим: «Фарзандларимни олий маълумотли қиламан. Улар эл-юртга фойдаси тегадиган зиёли инсонлар бўлади», деб айтарди. Ўқиган, зиёли қишлоқдошларимизни бизга ўрнак қилиб кўрсатарди. Йиллар ўтиб, отам орзу қилганидек инсон бўлиб етишдим. Тўйларда, йиғинларда отамнинг мен ҳақимда, касбим ҳақида қувониб гапирганларига кўп бора гувоҳ бўлганман. Ўша вақтларда ота-онамнинг мен танлаган касбдан рози эканликларини ич-ичимдан ҳис қиламан, юрагим таскин топади...

## «СПОРТ – ҲАЁТИМНИНГ БИР БЎЛАГИ»

– Ўсмирлик давримдан бери спортнинг эркин кураш тури билан шуғулланаман. Олийгоҳда ўқиб юрганимда университет терма жамоаси таркибида мусобақаларда

иштирок этганман ва икки марта бағолибликни қўлга киритганман. Акаларимнинг ҳам спортга меҳри баланд. Аслида бизнинг оилани спортчи оила деса ҳам бўлади. Чунки отам спортчи. У киши мактабда ёшларга сабоқ бериш билан бирга курашнинг самбо тури бўйича мураббийлик қиларди. Жуда кўп шоғирдлар етиштирган. Биз, фарзандлар отамнинг издошлари сифатида спорт билан шуғулланишни ҳеч қачон қанда қилмаймиз. Спорт – саломатлик, тетиклик ва бардамлик гарови. Инсон қанча соғлом бўлса, иш унумдорлиги ҳам шунчалик ортади. Биласиз, ҳарбий хизмат ва спортни бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам спортчи эканлигим хизмат фаолиятимда ҳам қўл келади.

## ИЗЛАНИШ – ЮТУҚЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

– Шу кунгача республикаимизнинг турли вилоятларида хизмат қилдим. Айни вақтда Тошкент ҳарбий округидаги марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм командирининг ўринбосари лавозимида фаолият юритяпман. Бизнинг соҳада фаолиятимизнинг асосини изланиш, интилиш ташкил қилади. 2019 йил Ўзбекистон армиясида илк бор ўтказилган «TECHNO DISCOVERY» фестивалида изланишларим юқори қўмондонлик томонидан юксак баҳоланди.

## ШУ ВАТАННИНГ БИР ПАРЧАСИМАН!

– Бугун шаҳар-қишлоқларимиз кундан-кун чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Юрт бўйлаб сафар қилсангиз, бу каби бунёдкорлик ишларини ҳар қадамда учратишингиз мумкин. Яқинларимни кўргани Самарқандга борганимда ҳар гал бирор янгиликдан, яхши ишдан бохабар бўламан. Обод манзиллар кўпаяётгани дилимни равшан қилади. Элдаги бундай ободлик ҳар қандай кишини руҳлантириб юборади. Тақдиринг юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқ экан, унинг ютуқлари ҳам сеникидир, унинг улўғворлиги, тенглар ичра тенглиги иззатинг, шарафингдир...

**Майор  
Гулнора ҲОЖИМУРОВА**



Юртимиз ўғлонлари жорий йилда ўтказиладиган Халқаро армия ҳаммандарининг «Артиллерия олови устаси» йўналишига ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқда. Тошкент ҳарбий округининг «Чирчиқ» дала-ўқув майдонида олиб борилаётган тайёргарлик жараёнида ҳарбий хизматчилар билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаб, касбий маҳоратини синовдан ўтказяпти.



# «АРТИЛЛЕРИЯ ОЛОВИ УСТАСИ» ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ПАЛЛАДА



Мазкур мусобақа уч босқич – яқка тартибдаги пойга, тунги спринт ва эстафета синовларини ўз ичига олади. Ҳар бир босқичда ҳарбий хизматчилар мураккаб топшириқларни бажаради.

Дастлаб юрт ўғлонлари узунлиги икки километр айланани икки маротаба босиб ўтди. Бунда зирхли машина экипажи ҳаракат давомидида илонизи йўли, минали ҳудуд ва бошқа мураккаб тўсиқлардан муваффақиятли ўтиб, 300-350 метр масофада жойлашган нишонлар-

ни пулемёт ёрдамида яқсон этди. Шундан сўнг йигитлар белгиланган жойга етиб келиб, миномётдан жанговар вазифани бажаришга киришди. Эпчил ўғлонлар зудлик билан миномётни жанговар ҳолатга келтириб, нишонларни мўлжалга олди.

Нишон яқсон этилгач, жамоа зирхли машина ёрдамида биринчи босқичнинг охириги айланасини босиб ўтиш чоғида ҳисобнинг ўқотар

қуроллари таркиби ўзгартирилади. Яъни ҳарбий хизматчилар берилган нишонларни ўқотар ҳамда гуруҳ қуроллари орқали яқсон қилади. Юрт ўғлонлари белгиланган қуроллардан нишонларни уриб тушира олмаса, мўлжалга тегмаган ҳар бир нишон учун бир жарима айланаси ёзилади. Бу жараёнда кўзланган мақсадга етишиш учун

ҳарбий хизматчилардан янада аниқлик, тезкорлик ва чаққонлик талаб этилади.

Биринчи босқичнинг барча топшириқларини муваффақиятли бажарган йигитлар тунги спринт босқичини адо этишга киришди. Бу босқичда Ватан посбонларининг тезкорлиги, зирхли машинани бошқариш, нишонларни беҳато мўлжалга олиш маҳорати синовдан ўтади. Йигитлар зирхли машина билан биринчи айланада барча тўсиқларни ортда қолдириб, ўт очиш жойига етиб келгач, миномёт орқали жанговар вазифани бажаради. Сўнгра улар ўқотар ҳамда гуруҳ қуроллари билан белгиланган нишонларни йўқ қилади. Шу билан иккинчи босқич якунига етади.

Ҳар қандай топшириқни бажаришда жамоа аъзоларидан жипслик, тезкорлик ва аниқ ҳаракатланиш талаб этилди. Бу эстафета босқичида ҳам яққол намоён бўлди.

Айтиш керакки, «АрМИ – 2021» Халқаро армия ҳаммандарининг «Артиллерия олови устаси» йўналиши бўйича мусобақага учта миномёт ҳисоби тайёргарлик кўрмоқда. Эътиборлиси, жамоа таркибининг аксарияти янги танлаб олинганлар. Аниқ мақсадлар сари тинимсиз тайёргарлик кўраётган ҳарбийларимизга олдинда турган халқаро мусобақада зафар ёр бўлишини талаб қоламиз.

Лейтенант  
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»





## САНА



# МЕТРОЛОГ – ХАВФСИЗЛИК ПОСБОНИ!



*Қўл соатимиз нотўғри ишлаши натижасида вақт ёки сана кўрсаткичидаги ноаниқликка дарҳол эътибор қаратамиз. Лекин инсон ҳаётида вақт ва санадан ҳам муҳимроқ бўлган шундай кўрсаткичлар борки, уларни метрологлар тушунчаси билан тушунтирилгандагина англаб етамиз.*

Метрология ўлчашлар, уларнинг бирлигини таъминлаш усуллари, воситалари ҳамда керакли аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фандир. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, инсоният томонидан яратилган маълум бир объектнинг фойдаланилиш жараёнида қабул қилинадиган меъёрларини мувофиқлаштирувчи, стандартлаштирувчи фан ҳисобланади.

Олимлар метрология тарихини қадимги антик даврларга бориб тақалиши ҳақида маълумот келтиришади ва қўл узунлиги ўлчами инсоният томонидан илк қабул қилинган метрологик стандарт дея баҳоланади. Ишлаб чиқариш ривожланиб бориши натижасида метрология фани ва метрологлар хизматига бўлган талаб ҳам ортиб борди. 1875 йилда Халқаро метрик конвенция имзоланди. 1960 йилда эса бутун дунё бўйлаб қўлланиладиган халқаро бирликлар тизими (SI) ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. 1999 йилдан буён 20 май бутун дунёда Халқаро метрология куни сифатида кенг нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида ҳам стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўлими фаолият олиб боради. Яқинда ушбу бўлим ҳарбий хизматчилари ва ходимлари замонавий талаблар асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган янги бинода иш бошлади.

Халқаро метрология куни арафасида ушбу касб эгалари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўлими жойлашган ҳарбий қисмга ижодий сафар уюштирдик.

Янги бино иккинчи қаватидаги лаборатория хоналарида тартиб билан жойлаштирилган юздан ортиқ асбоб-ускунани кўриб, ҳарбий метрологларнинг нима вазифа бажаришини дастлаб тушунмадик. Одатда журналист ёки мухбир бирор бир соҳа ёки унга алоқадор тadbирни ёритиш учун борганда ўқувчи ва томошабин эшитмаган янгиликларни етказишга ҳаракат қилади. Ҳарбий метрология ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлиш мақсадида Мудофаа вазирлиги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш бўлими бошлиғи подполковник Денис Мандриқка юзландик.

– Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларда фойдаланилаётган қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, асбоб-ускуналарнинг белгиланган стандартлар асосида ишлашини таъминлаш учун бўлимимиз мутахассислари туну кун меҳнат қилишади. Шунингдек, жойларга чиқиб, уларнинг ярқилик даражасини аниқлаб беради. Мисол учун, минг кишилик шахсий таркибга эга ҳарбий қисмнинг озик-овқат таъминотидаги тарози меъёрдагидан 1 грамм фарқ би-

лан ишляпти. Бунинг натижасида бир кунда 1 килограмм, бир йилда эса 365 килограмм шакар, сариеғ, гўшт каби маҳсулотлар кўп ёки кам ишлатилишига сабабчи бўлади. Ёки қон босимини ўлчашда ишлатиладиган фонендоскоп, иссиқлик тизимини таъминловчи қозонлар, электр қурилмалари, ёнилғи агрегатлари, барча ҳарбий техникаларга ўрнатилган ўлчагичлар ва ҳоказо. Уларнинг носоз ҳолатда ишлаши қанчалик зиён келтиришини англаб етиш қийин эмас. Мутахассислари-

шифокорнинг қандай даволаш кўрсатмаси ёзиб беришини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Қон босимини кўрсатувчи стрелканинг 0,001 га адашиши бемор аҳволига қанчалик ёмон таъсир кўрсатади? Техникаларнинг ёнилғи ёки мой сарфлашида-чи? Айнан мана шуларнинг ўзи метролог мутахассисларнинг қанчалик масъулияти касб соҳиби эканлигидан далолат.

Қуролли Кучлар хизматчиси Отабек Эгамбердиев масъул бўлган радиотехник ўлчашлар бўлимида ҳам худди юқоридаги ҳолатларни кузатдик. Майорлар Амиран Амиридзе ҳамда Санжар Абдураззоқовга бириктирилган электротехник, электроиссиқлик механикаси ва ўлчаш воситаларини таъмирлаш бўлимларида ҳам бир-бирдан мураккаб асбоб-ускуналарнинг ишлаш фаолияти билан яқиндан танишдик. Радиотехник ўлчаш, электротехник ва электроиссиқлик механикаси, шунингдек, ўлчаш воситаларини таъмирлаш



миз махсус лаборатория асбоблари ёрдамида ҳар қандай камчиликни ўз вақтида бартараф этишга масъулият билан ёндашади...

Иссиқ техник ва механик ўлчашлар бўлимида фаолият олиб бораётган бўлим катта техниги катта сержант Отабек Ҳамдамов назарий тушунтиришларни амалда кўрсатиб берди. Ҳарбий метролог фонендоскоп ва ёнилғи агрегатлари ўлчагичлари соз ва носоз ҳолатда қандай ишлашини кўрсатар экан, бу ускуналарнинг инсон соғлиғи ҳамда техника хавфсизлигида қанчалик муҳим аҳамият касб этишини биринчи бор англаб етдик. Нуқсонли мослама сабаб, қон босимини аниқ ўлчай олмаган

атамалари бугунги кун фан-техникасида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши тушунаемиз. Айнан мазкур бўлимлар мутахассислари Мудофаа вазирлиги тизимида ушбу соҳаларга оид асбоб-ускуналарнинг халқаро ҳамда миллий миқёсда стандартлаштирилган аниқлик остида ишлашини таъминлашдек масъулиятли вазифани бажармоқда.

Соҳа мутахассисларини касб байрами билан табриклаймиз.

**Асрор РЎЗИБОЕВ,**  
«Vatanparvar»



# ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоалари «АрМИ – 2021» Халқаро армия ўйинларида иштирок этиш учун тайёргарлик кўрмоқда» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда мудофаа вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси полковник Баҳром Зулфиқоров, Мудофаа вазирлиги Жанговар тайёргарлик бош бошқармаси инспектори подполковник Шерзод Усмонов, тиббий таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари тиббий хизмат полковниги Абдуғани Йўлдошев, АрМИ Халқаро армия ўйинларининг совриндорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққанлар юртимизда сўнгги йилларда мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги қонуний асоснинг такомиллаштирилиши, қўшинлар таркибий тузилишининг тубдан ўзгартирилишига, миллий армиямизни жаҳон андазалари асосида ривожлантиришга эътибор қаратилиши ҳамда ҳарбий қисм ва муассасаларнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиши эса қўшинларимизнинг жанговар шайлиги ортишига пойдевор бўлаётганини эътироф этди. Ҳарбий округлар ҳудудида фойдаланишга топширилган полигонларнинг халқаро стандартларга тўла мос келиши ҳам муваффақиятлар сари эшик очаётгани, бу нафақат ҳарбий хизматчиларнинг кундалик тайёргарлик машғулотларини сифатли ташкил этишга, балки нўфузли тадбирларни ўтказиш имконини ҳам бераётгани,



шунингдек, жанговар тайёргарлик бўйича ўқув-амалий машғулотларда ўзини оқлаган тайёргарлик усуллари армияга жорий этилаётганлиги ҳам таъкидланди.

Анжуманда АрМИ Халқаро армия ўйинларида юртимиз вакиллари ўтган йиллардаги кўрсатган натижалари таққосланди. 2019 йилдаги ўйинларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги жамоаси 14 та йўналиш мусобақасида иштирок этиб, 11 та совринли ўринни қўлга киритган бўлса, 2020 йилда 16 та йўналишдаги мусобақаларда иштирок этиб, 14 та совринли ўринни эгаллади ва якунда умумжамоа ҳисобида 32 та давлат ўртасида 3-ўринга сазовор бўлди. Мусобақа давомида жамоамиз аъзолари томонидан 9 та рекорд ўрнатилди. Келтирилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкинки, йилдан

йилга юксак марраларни забт этиб бораётган Ўзбекистон армияси учун 24 та йўналишдаги мусобақаларда иштирок этишни режалаштирган бу йилги «АрМИ – 2021» Халқаро армия ўйинлари ҳам осон бўлмаслиги, шунинг учун ҳам тайёргарлик машғулотлари жадаллик билан олиб борилаётганлиги мутахассислар томонидан маълумот учун қўшимча қилинди.

Мазкур йилда 7 та йўналишдаги («Ишончли қабул», «Десантчи взводи», «Армия маданияти», «Қутб юлдузи», «Муҳандис формуласи», «Армия тактик ўқчиси», «Профессионал мерган») мусобақаларида юртимиз жамоаларининг илк маротаба қатнашиши кўзда тутилган.

**Шерзод ШАРИПОВ,**  
«Vatanparvar»

## АДАБИЁТ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, йиллар ўтган сари хотирангдан узоқлашмайди, балки уларни яқиндагина кўргандек, завқ-шавққа тўлиб шеър, ғазал ўқиётгандек бўлаверади. Шоир, ғазалнавис, ҳажвий жанрда ҳам баракали ижод этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, III даражали жанговар «Шухрат» ордени соҳиби Зоҳиджон Обидов кўнгиллардан жой олган шундай инсонлардан бири эди. У тирик бўлганида бу йил 98 ёшни қарши оларди.

Зоҳиджон Обидов лирик шоир эди. Шу боис унинг ижодида севги-муҳаббат мавзуси устувор бўлди. Унинг кўплаб шеър ва ғазаллари қўшиққа айланиб, Ўзбекистон бўйлаб қанот қоқди. «Кечалар юлдуз санаб», «Қайданам кўрдим сени», «Ўт тушди ширин жонга», «Ишқингда бағрим бир ён», «Олмайсан хаёлингга» каби кўплаб шеърлар, ғазаллар халқимиз мулкига айланди.

Ана, устоз хофиз Ориф Алимахсумов «Куйла, дилкаш дуторим» қўшиғини ажиб бир босиқлик, ажиб бир мафтункорлик билан ижро этапти...

*Куйла дилкаш садоқатли дуторим,  
Ёзиб дилдан ёр ишқиди хуморим,  
Қалб садоси бўлиб янгра қўлимда,  
Зарра қўймай бу кўнгилнинг ғуборин...*

## ТААССУРОТЛАР ДАРЁСИ

**шоир Зоҳиджон Обидов суратига чизгилар**

«Шеър шоирнинг сўзи, фақат қалбинигинамас, унинг ўзи ҳамдир. У заруратдан туғилади, керагига ярайди муаллифнинг, Ватаннинг, халқининг!.. Уларнинг ҳар бир босқичларини кўз ўнгимизга келтиради», деб ёзганида шоир Туроб Тўла қанчалар ҳақ эди.

Навқирон ёшида уруш кўрган бўлган З. Обидовнинг ижодида бу мавзу ҳам катта ўрин эгаллайди.

Шоирнинг Ленинград қамали ҳақида ёзилган «Матонат» номли достони Иккинчи жаҳон урушининг 40 йиллигига бағишланган бўлиб, уни ўқиган ўқувчи кўз ўнгиди ўша қамалнинг барча фожиалари бус-бутун гавдаланади, бу эса қалбларда фашизмга нафрат туйғусини оловлантиради. Достоннинг хотима қисмида шоир шундай ёзади:

*Навқирон Омонжон дунёдан ўтди,  
Ногирон Омонжон қолди оламда.  
Ишқ тўла ёшлигин жанг ўтга тутди,  
Мана у гул қўяр доғу аламда,  
Урушнинг шарпаси битмаган дамда.*

Азиз ўқувчи! Тушунганингиздек, бу мисралар сизу биз билган шоир З. Обидовнинг ёшлиги, у ва унинг замондошлари кўрган даҳшатли кечинмалари эди.

Айнан шунинг учун ҳам урушга нафрат, тинчлик учун курашга рағбат шоир ижодида асосий ўринда туради.

З. Обидовни ҳажвий шеърлар, тўртликлар устаси, деб бекорга айтишмаган. Негаки, унинг ижодида ҳажв жанри ҳам етакчи ўринда туради. Ижодкорнинг «Муштум кутубхонаси» туркумида чоп этилган бир нечта китоблари фикримизнинг исботидир. «Зоҳиджон ҳанда» лақаби Зоҳиджонга жуда ҳам ёпишиб тушган. Дарҳақиқат, Зоҳиджон жуда ҳам қувноқ, серзавқ, серқаҳқаҳа одам. «Қайси тўйда, қайси йиғинда, қайси учрашувда бўлмасин, шоирнинг хандаси, қаҳқаҳаси ўтирганларга ҳузур ва завқ бағишлайди, мажлисга кўтаринки рух, шодлик бахш этади», деб ёзган эди халқ шоири Уйғун З. Обидовнинг «Куйган куёв» (ҳажвий шеър ва ҳазил қўшиқлар) китобидаги ёзган сўзбошида.

Инсон дунёга келар экан, ўзидан фақат яхши из қолдириш истагида бўлади. Зоҳиджон Обидов ҳам шундай эзгу мақсад йўлида ҳаёт кечирди, ижод қилди, китоблар нашр эттирди. Бугун бу инсон қолдирган маънавий мерос кўпларнинг китоб жавонидан ўрин олиб, кўнгил хазинасига айланиб улгурди.

**Марҳамат АЛИМОВА,**  
тарих фанлари номзоди



# ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИ: НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?

Хабарингиз бор, 2020 йил 20 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан «Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2021 йил 16 март куни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари портали ([regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz)) орқали умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди.

Дастлабки таҳлил натижаларига кўра, умумхалқ муҳокамаси давомида «[regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz)»да лойиҳани 26 мингдан зиёд киши кўриб, 1 035 та фикр қолдирган. Таклифларнинг 56 фоизи (547 таси) лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосининг ислоҳ қилинишини, 32 фоизи (302 таси) эса амалдаги алифбода қолишни ёқлаган.

Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини ҳар томонлама пухта, кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари ва таклифларини чуқур ўрганган ҳолда такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, мутахассисларнинг таклифларини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 5 майдаги тегишли баёни билан ушбу қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасини 2021 йил 1 ноябрга қадар давом эттиришга қарор қилинди.

Белгиланган муддат давомида тегишли масъул идоралар томонидан қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига бағишланган илмий анжуманлар, маъруза ва семинарлар ўтказилади. Молия вазирлиги томонидан вазирликлар, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга 1 сентябрга қадар ўзбек алифбосининг айрим ҳарфларига (O', G', Sh, Ch) шаклий ўзгаришлар киритилиши муносабати билан талаб этиладиган молиявий харажатлар миқдори ўрганилиб, улар бўйича умумий маълумот ва таклифлар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларида такомиллашадиган алифбонинг турли (фонетик, график, техник, имло) хусусиятларига доир туркум кўрсатув ва мақолалар ташкил этилади. Илмий анжуманларда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар турли соҳа олим ва зиёлиларидан иборат экспертлар гуруҳи иштирокида ўтказиладиган конференцияда кўриб чиқилиб, якуний хулосага келинади ҳамда лойиҳа билан биргаликда Ҳукуматга киритилади.

Келинг, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида яна бир бор алифбода нима ўзгаришлар бўлаётганини кўриб чиқайлик.

Аввало, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан алифбога O' o', G' g', Sh sh, Ch ch ҳарфлари киритилиб,

6	Ff	[f]	22	Rr	[r]
7	Gg	[g]	23	Ss	[s]
8	G'g'	[g']	24	S's'	[s']
9	Нн	[n]	25	C'c'	[c']
10	Ii	[i]		Tt	[t]
11				Uu	[u]
12				U'u'	[u']
13				Vv	[v]
14				Yy	[y]
15	Mm	[m]		Zz	[z]
16	Nn	[n]			

уларнинг ўрнида қўлланилаётган O', G', Sh ва Ch ҳарфлари алифбодан чиқарилмоқда.

Бугунги кунда расмий, норасмий матнлар, оммавий ахборот воситалари материаллари, ташқи ёзувлар (реклама, пешлавҳа, эълон ва ҳ.к.)да O' ва G' ҳарфларини ёзишда хатога йўл қўйилмоқда. Бунга: ушбу ҳарфларнинг «Юникод» (Unicode) жадвалида йўқлиги («Юникод» бу – дунёнинг деярли барча тиллари ёзма белгиларини бирлаштирган кодлаш стандарти. Компьютерда барча тилларнинг ўзига хос ҳарфларини ифодалаш имконини беради);

компьютер ҳамда замонавий гаджетларда O' ва G' ҳарфларини бехато ёзиш учун компьютер клавиатурасида 6 та (аввал O ёки G, кейин: Alt+0145) тугма босилиши каби ўта ноқулай жиҳатлар сабаб бўлмоқда (O' ва G' ҳарфларини Юникод жадвалига янгидан киритиш мумкин, бироқ бу хусусий ечим бўлиб, амалда фойдаланилаётган шрифтларда бу ҳарфлар кўринмайди).

Натижада ёшлар орасида ушбу ҳарфлар ўрнига қулайроқ белги ва рақамлардан (o' нинг ўрнига 6, g' нинг ўрнига g, sh нинг ўрнига 4, sh нинг ўрнига w) дан ёки (O', O, O, O ва G', G, G сингари) исталган ҳарфлардан фойдаланиш оммалашмоқда.

Шунингдек, O' ва G' ҳарфларидаги ` – белгиси туфайли тилимизни компьютер лингвистикасига мувофиқлаштириш қийин кечмоқда. Мазкур белги қидирув, транслитерация, конвертация жараёнларида сўзларни иккига бўлиб ташлайди (таклиф этилаётган лойиҳада O', G', S ва S ҳарфлари Юникод жадвалида бор. Дастурий таъминотлар билан ишлаш ва уларни яратишда муаммо туғдирмайди).

Sh ва Ch ҳарф бирикмалари матннинг кенгайиб кетиши, имло қодаларининг ўзбек тили табиатига мос бўлмаган талаблар билан тўлдирилишига сабаб бўлмоқда. Хусусан:

Sh ва Ch ҳарфлари тилимизда фаол товушлар саналади ва инглиз тилига нисбатан 3-5 марта кўп учрайди, кетма-кет келганда ўқиш-ёзишни мураккаблаштиради (*achchiqtosh, xushchaqchaq, ishchi, sharshara* ва ҳ.к.);

ушбу ҳарф бирикмалари халқимиз ўрганган «бир товуш — бир ҳарф» тамойилига мос эмас.

Алифбодаги ўзгаришлар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган «Йўл харитаси»га мувофиқ, босқичма-босқич жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Хусусан, алифбодаги айрим ҳарфларнинг шаклий ўзгариши туфайли амалдаги ҳужжат ва адабиётларнинг фойдаланиш муддати ўтгандан кейин, аниқ режа асосида янгисига алмаштирилиши боис:

1. Дарслик ва ўқув адабиётлари амалдаги режаларга мувофиқ, ортиқча харажатсиз босқичма-босқич тўлиқ такомиллаштирилган алифбода чоп этилади.

2. Пул купюралар, фуқароликни тасдиқловчи гувоҳномалар, ID-карталар, яшаш гувоҳномалари ҳам белгиланган муддати тугагач, такомиллаштирилган алифбодаги янгисига алмаштириб борилади.

3. Ташкилот ва идораларнинг пешлавҳа ва иш ҳужжатлари, мудофаа, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг либосларидаги ёзувлар давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида,

шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич янгисига алмаштирилади.

4. Ахборот кутубхона марказларида амалдаги адабиётлар алифбодаги ўзгариш туфайли фойдаланишдан чиқарилмайди. Аксинча, янги чоп этилаётган адабиётлар билан босқичма-босқич бойитиб борилади.

Ижтимоий тармоқлар орқали бугунги кунда фуқаролар алифбо лойиҳасига турли шакл ва мазмунларда ўз муносабатларини билдиришаётганини кузатяпмиз. Албатта, бу ижобий ёндашув. Ҳар томонлама қулай алифбо нафақат миллат учун, балки ҳар биримизнинг эҳтиёжимиздир. Қонун лойиҳасида кўпчиликни узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган баъзи муаммоли ҳолатларга асосли ечимлар таклиф этилаётганидан фақат қувониш мумкин.

Соҳа мутахассислари билан бир қаторда алифбо лойиҳасидаги ўзгаришларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, алифбо ислоҳоти бўйича билдириган муносабатлар асосида баъзи фикрларни келтириб ўтсак:

амалдаги алифбода o' ва g' ҳарфлари бизни энг кўп қийнаётган, техник ноқулайликка, қолаверса, матнларнинг хатога тўлиб кетишига сабаб бўлаётган ҳарфлар ҳисобланади. Ушбу ҳарфларни компьютерда ёзишда бир нечта ортиқча амалларни бажариш лозим. Улар ислоҳ қилинаётгани, яъни O' o', G' g' шакли алифбо лойиҳасига киритилганини маъқуллаймиз;

ёзувимиздаги энг катта ноқулайликлардан яна бири Sh ва Ch қўш ҳарфларидир. Зиёлиларнинг аксарияти уларни соддалаштириш, миллийлаштириш тарафдори. Чунки халқимиз азал-азалдан бир товушга – бир белги тамойилига кўниккан. Қолаверса, бу товушлар, айниқса, Sh товуши ўзбек тилида жуда фаол товуш ҳисобланади. Натижада уларнинг матнда кетма-кет келиши ўқиш-ёзиш жараёнида ноқулайликни юзага келтирмоқда. Шу сабаб лойиҳада таклиф қилинган S s ҳарфи ўринлидир;

H ва X ҳарфларининг алифбода алоҳида қайд этилиши жуда муҳим. Мумтоз адабиётимизда, хусусан, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарлари тилида мазкур ҳарфлар иштирок этган жуда кўп сўзлар бор. Уларнинг кўп қисми ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам ишлатилмоқда. Мазкур сўзларнинг ёзилиш шакли ёзувимизда неча асрлардан бери анъана сифатида давом этиб келмоқда. Шунингдек, бир қанча ўзбек шеваларида мазкур товушлар фарқланади. Қолаверса, энг ривожланган Шарқ тилларида ушбу ҳарфлар ифодалаган товушлар алоҳида фонема (маъно фарқловчи товуш) сифатида мавжуд. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда янги алифбода H ва X ҳарфларини алоҳида белгилар билан ифодалаш тўғри йўл ҳисобланади;

Ng товуши ўзбек тилининг қадимий товушларидан ҳисобланади. Уни алифбодан чиқариш битта миллий товушимизни йўқотишга олиб келади. Шу сабабли бу товуш алифбода қолдирилиши лозим.

Амалдаги алифбонинг тегишли ўзгариш ва тўлдиришлар билан такомиллаштирилиши саводхонликни оширишга хизмат қилади, ёзув амалиётини осонлаштиради, шунингдек, миллий алифбомизнинг илмий-таълимий жиҳатдан пухта бўлишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, алифбо ислоҳида мавжуд муаммолардан чўчимаслик керак. Жумладан, таълим тизимидаги барча дарсликлар ҳамда бошқа муаммолар вақт ўтиши билан ўз ечимини топади. Бу жараён, албатта, осон кечмайди, амалиётда муайян қийинчиликлар бўлиши ҳам табиий. Бироқ миллат келажаги учун такомиллашган алифбони қабул қилиш ҳамда имло ва ёзув билан боғлиқ муаммоларни имкон қадар тезроқ ҳал қилиш энг муҳим вазифадир. Таъкидлаганимиздек, миллий алифбо ҳар қандай миллатнинг юзи ҳисобланади, алифбо ислоҳидан кўзланган энг асосий мақсад эса саводсизликнинг олдини олишга қаратилган бўлади.

**Қаҳрамон КАМОЛОВ,**  
Мудофаа саноати бўйича давлат  
қўмитаси раисининг маслаҳатчиси



# ЗАМОНЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

*Азиз ўқувчи, бирор қишлоқда музей кўрганмисиз? Кўрмаганман, дейсизми? Мен ҳам кўрмаганман. Аммо бу дегани қишлоқларда музейлар бўлмайди, дегани эмас-да. Ҳатто ҳар бир хонадонда ҳам ўзига хос музей мавжуд. Бу гапим билан шаҳарларда жойлашган улкан музейлар обрўсига «путур» етказиш ниятим йўқ. Шунчаки, сиз билган нарсаларни ёдингизга солгим келди.*



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

Масалан, менга раҳматли онамнинг эски сандиқлари жуда қизиқ эди. Унинг ранг-баранг ўйма нақшларини томоша қилишдан ҳеч қачон зерикмасдим. Ичидагиларининг ўзи ҳар бири алоҳида мавзу. Эски паранжидан тортиб, ҳозирги ёшлар номини ҳам билмайдиган бош кийими – қултувшақкача бор эди. Кашталарни айтмайсизми?! Азизлар, булар музей экспонатларидан кам эмас-ку!

Қадимий шкафлар, шокилалари пардалар сақланиб қолган хонадонлар бор. Унчалик ҳам қадрланмайдиган, аммо асрлардан бери сақланиб келаётган ип, ипақдан тўқилган бу-

юмларингизга бир боқинг-а. Айтмоқчиманки, ҳар қандай машҳур музейлар, уларга йўл хонадонларимиздан бошланади.

Нега бу ҳақда эслаганим ўқувчиларимизни қизиқтириши табиий. Бежиз эмас, 18 май – Халқаро музейлар куни. Шу муносабат билан Қуролли Кучлар давлат музейида «Музей – замонларни боғловчи кўприк» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Байрам тадбирида пойтахт мактаблари ўқувчилари, ҳарбий хизматчилар, фахрийлар иштирок этди.

Қуролли Кучлар давлат музейи директори Мусалим Нуритдинов йиғилганларни қутлар экан, жумладан, шундай деди:

– Музейлар – тарих кўзгуси. Халқ ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзини ифода этувчи маскандир. Халқнинг маънавий дунёсини бойитишда, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни беқиёс. 18 май – Халқаро музейлар куни дунё бўйлаб кенг нишонланади. Бундан, албатта, мамлакатимиз ҳам мустасно эмас. Қуролли Кучлар давлат музейи бугунги кунда Марказий Осиёдаги йирик ҳарбий-тарихий музейлардан саналади.

Бу ерда 36 мингдан ортиқ нодир ва бебаҳо экспонатлар, архив ҳужжатлар тўпламлари мавжуд.

Ҳа, мазкур музей маънавият, маърифат, илм ўчоғидир. Кейинги йилларда унинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бугун бу масканга ташриф буюрувчилар кўп. Ҳар йили бу ерга ўртача қирқ мингдан ортиқ аҳоли, ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва хорижий сайёҳлар ташриф буюради. Жорий йил аввалида Маданият вазирлиги томонидан биринчи тоифали музей гувоҳномаси топширилди.

Жамоа ўз олдига катта мақсадлар қўйган. Келажақда олий тоифали музей мақомини олиш учун сидқидилдан ҳаракат қилмоқдалар.

Байрам тадбирига йиғилганларни «Veteran» жангчи-фахрий ва ногиронлар бирлашмаси раҳбари Талъат Муродов, Мудофаа вазирлиги қасаба уюшмаси қўмитаси раҳбари Алишер Кличев қутладилар. Алоҳида ютуқларга эришган музей ходимлари тақдирландилар.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонанда ва раққосаларининг чиқишлари байрамга алоҳида файз бағишлади.

**Инобат ИБРОҲИМОВА**



## ХАЛҚ ЎТМИШИДАН СЎЗЛОВЧИ ДАРҒОҲ

*18 май – Халқаро музейлар куни муносабати билан «Ғалаба боғи» мажмуасидаги «Шон-шараф» музейида байрам тадбири бўлиб ўтди.*

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар ва музей ходимлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар музейларнинг миллий маънавиятимизни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди. Ютуқ ва муваффақиятлар эътироф этилди. Жумладан, шу кунгача олиб борилган илмий изланишлар натижасида «Шон-шараф» музейининг экспонатлари ва унинг фондидаги экспозициялар сони 30 000 яқинлашгани, бу каби изланишлар ҳали давом эттирилиши ва музей фондини Иккинчи жаҳон урушида юртдошларимизнинг кўрсатган жасорати ва матонати акс этган янги-янги маълумотлар билан янада бойитилиши хусусида гапиришди. Тадбир давомида шундай эзгу ишга ўз хиссасини қўшиб келаётган, фидойи ва жонкуяр ходимлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

– «Шон-шараф» музейи аждодларимиз мардлиги, матонати, жасоратидан сўзловчи муқаддас



Муаллиф суратга олган

маскан сифатида ватандошларимизнинг қалбидан чуқур жой олмоқда, – дейди фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухамедова. – Зеро, юртимизда ҳеч бир оила йўқки, Иккинчи жаҳон уруши жабрини тортмаган. Бу уруш қолдирган жароҳат чандиқ бўлиб, ҳали-ҳануз кўнгилларни ўртайди. Бу музейни кўпчилик хотира майдони сифатида қабул қилгани ҳам шундан. Қалбда миллий ғурур ва эртанги кунга ишонч уйғотадиган, маънавий қиёфамизни безайдиган, маданиятимизни юксакликка олиб чиқадиган, Ватанимизни, онамизни севишга ва қадрлашга ўргатадиган шундай тарбия ўчоғи билан ҳар қанча ифтихор қилсак арзийди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли томонидан ижро этилган жозибали куй ва кўшиқлар кечага ўзгача кайфият улашди.

**Юлдуз БЕКБОЕВА,**  
Навоий вилояти Навбахор тумани 22-мактаб ўқитувчиси



КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

# «ХАЛИМАСИ, БИЙРОНИДИР ЎЗБЕКНИНГ»



Дунёга ларзалар соларак, гурлаб

Туркий қавмларни кўтарсин султон!

Шоирнинг «Осойишта шам» китобида «Дахшати ёз» туркуми бор. Азиз ўқувчиларимиз биладилар, шоирнинг ҳаётида анчагина оғир кунлар, ҳатто йиллар ўтди. Булар ҳақида батафсил тўхталиш ниятимиз йўқ. Китобдан парча, саҳифамиз учун етарли деб ўйлайман.

**Ўқиймиз:**

«Нега ўша ёз дахшати эди?..»

Негаки, ўша ёзда оиламизнинг қаҳратон со-  
вукларидан баттар кунлари бошланган эди. Рус  
шоираси Анна Ахматова тили билан айтганда,  
«...уйимиз лаънатланган, ишимиз топталган»  
кунларнинг боши ўша ёзда эди... Биз бу ёзда гоҳ  
изғириндан, совуқ нигоҳлар, совуқ хабарлардан  
музлаганмиз, гоҳ тухматнинг қозонларида қо-  
вурилганмиз. Умр йўлдошим – болаларимнинг  
отаси қамоқда... Болаларим азобда, рўзгорим  
паршон... Ўзим қамоқ эшикларидан... Ўзим ҳай-  
рон, ўзим гирёну нолон, ўзим вайрон эдим,  
ўшанда... Бу туркум ўша кунларнинг чил-чил  
синган ойна каби сочилиб ётган сувратлари...  
Ўша дахшати ёзнинг қамчидек оловли тилла-  
рининг бутун борлиғимда қолган изларидир...

Бир кун ким тўкилиб, кимдир тўлиши аниқ,

Кетишим бу – фитна, эгри қўл иши, аниқ.

Кетганда жим кетмоғимга йўл бермадилар,

Қайтишим ҳам қарқарали бўлиши аниқ!»

Шоирнинг танланган асарларидаги тўртликлар-  
дан бири шундай:

Нолам узун. Нола мени сўйса керак,

Умрим бўйи у кўксимни ўйса керак.

Менга таъриф керак эрса, тарихчилар

«Бир нолали най» деб ёзиб қўйса керак.

«Бир нолали най» таърифи юқоридаги туркумга  
уйғундир. Бу туркумни ўқиш кў-ўп оғир... Бошдан  
кечириш эса...

Шоирнинг жимитдеккина чиққан китоблари  
ҳам адабиётимизда бир воқеа каби бўлган. Од-  
дийдан-оддий қоғози эмас, ундаги Сўз муҳим  
эди, қадрли эди.

1992 йилда ёзилган бир шеърида шундай  
сатрлар бор:

Шундайин сас, сазо келар олдиндан,

Қасрларим қуйилажак олтиндан,

Туркнинг тупроғига дўниб мен чиндан,

Ер юзининг кунгай ёғи бўлурман.

Кўнглим бўлур давронлардан ошувчи,

Шеърим бўлур ўлим билмас, яшовчан.

Яссавийни замонларга ташувчи,

Хизматкори, елка тоғи бўлурман.

Турк-Туроннинг кўнгириги бўлурман.

Ҳа, у ҳақ эди! Бу сўзларни бицтганида ҳақ  
экан!

Азиз ўқувчи, Ҳалима Худойбердиева китоб-  
лари билан қалб хазиналарингизни бойитинг,  
фарзандларингизга ўқиб беринг, оҳанглари  
жажжи қалбларни ҳам макон қилсин.



Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»



Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ҳаёт бўлганида 74 ёшни қаршилар эди. Ҳаёт бўлганида... Асли улуг шоирим ҳақида шу сўзларни демак лозимми?! Ундан сўзлар қолди, СЎЗ тириклик демак!

Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов Ҳалима Худойбердиеванинг танланган асарларига «Жонфидалик» деган сарлавҳа билан ёзган сўзбошида шундай дейди: «Сўзимни Замон ва Иймон тушунчаларининг шеърият билан эгизлиги ҳақидаги жумладан бошладим. Бу бежиз эмас. Айни ана шу олий тушунчалар уммонлар қаъридаги садафлар бамисоли шоирамиз шеърларининг замир-замирида пинҳондир.

Қон аслан ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўк.

Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.

Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк,

Қанча шонинг бўлса – Ватанни кўтар!

Шеъриятимизда Ватан мавзусида ёзилган шеърлар, одатда фахр-ифтихор ёхуд шир урэн ҳамду саноларнинг бир қоп хидсиз алафларидан иборат бўлганига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Ватан деганда ҳар қандай маддоҳни доғда қолдириб кетадиган шоирларимиз оз бўлмаса-да, аммо ҳайтовур бу табаррук мавзуда ўлмас асарлар ёзиб қолдирган пири комилларимиз бир талай. Юқорида шоиранинг «Даъват» шеърдан келтирилган тўрт қатор хотимавий банддаги Ватан бу ҳамиша ҳузур-ҳаловат қилиб яшаш мумкин бўлган алланечук гулзор эмас, балки керак бўлганда қонимизни ва жонимизни ҳам беришимиз жоиз бўлган бир азиз гўша, бир муқаддас қадамжо экани ўқтирилмоқда. Дарвоқе, оламда қон ва жон баробарида илоҳийликка даъвогар ёхуд ҳаёт қадар муқаддасликка муносиб Ватандан бошқа нима бор?»

Ҳа, Ватан ҳақида кўплар ёздилар, ёзиптилар. Аммо Ҳалима Худойбердиева каби сўз айта олганлар камдир. Менга улуг шоир шеърларини таҳлил қилишга йўл бўлсин. Мен ўқувчиман, холос. Шеъриятни севаман, оташнафас шоиранинг шеъриятига ошиқман. «Ватан байроғи» шеърдаги мана бу сатрларга эътибор беринг-а:

То бу байроқ, Ватан, нурлар

Ич-ичинга кетсин кириб.

Токи ғаним ватанхўрлар

Оломасинлар суғуриб.

Шундай ўргат қулни, хонни,

Учмас қуш ҳам учар бўлсин.

То байроқдан олдин жонни

Бермоқ осон кечар бўлсин.

Бу мисраларни шунчаки ўқиб бўлмайди. Саҳифамизни кузатиб бораётган айрим ўқувчиларимиз болалар учун ҳам китоблар тавсия қилишимизни сўрайдилар. Мен уларга Ҳалима Худойбердиеванинг Ватан ҳақидаги шеърларини тавсия қиламан. Унинг бу мавзудаги шеърлари мудроқ қалбларни ҳам уйғотишга қодирдир. Ўқисангиз, ўқсангиз бас.

Шоир туғилганига 74 йил тўлгани муносабати билан оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда уни хотирлаб кўпдан-кўп кўрсатувлар, мақолалар, ёдномалар эълон қилинди. Улар орасида энг кўп такрорлангани шоир шеъриятга ҳаваскор бўлиб эмас, илк шеърлари биланоқ улугвор дарё каби мавжланиб, жўшиб кириб келганлиги ҳақидадир.

Бугун шеъриятга қизиқиш сусайган, одамлар шеър ўқимай қўйди, деган гапларни кўп эшитамиз. Йўқ. Бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳамон шеъриятни севадиганлар бор, асл шеъриятни қадрлайдиганлар кўп. Агар эҳтиёжимиз бўлмаганида илоҳий илҳомлар билан сийланган юзлаб ёшлар бу гўзал майдонда беллашмаган бўлур эдилар.

Шоирнинг «Ота ҳовлим» шеърдан **Ўқиймиз:**

Ота ҳовлим, кўрғоним, ҳовлим,

Жондан азиз кўрғоним, ҳовлим.

Айвонлари иссиқ, аёвлим,

Ёдга отам сўзлари тушиди.

Аввал отам кетди тобутда,

Кейин онам ўтди булутдай.

Ўтирсам-да сиртим сукутда,

Дилим ёнди, бўзлади, тушиди.

Шоирлар ўз туйғуларини қоғозга туширадилар. Аммо у негадир менинг қалбимдан тўкилолмай турган дардларимга ўхшайди, сизнинг дардларингизми ё? «Айвонлари иссиқ, аёвлим...» Ҳа, айнан шундай, ота ҳовлимнинг айвонлари...

«Олдимдан оққан сув» ҳам бор. Парча **Ўқиймиз:**

Бошқалар ёнимдан кетмасин дебман –

Вақт топиб уларга борибман тонг-кеч.

Бошқаларга озор етмасин дебман –

Сизга ҳам етишин йўламабман ҳеч.

Бошқаларга чопдим шаҳар, кентда мен –

Бир қайтариб, ё бир кесатмадингиз.

«Менам ғаниматман, менам кетаман» –

Деб нечун бир бора эслатмадингиз?

Онам, онам-а?!..

Бу сўзларни, бу шеърни англаш учун юксак ақл-заковат керак эмас. Ғоят ўзбекона, дилга яқин сатрлар. Қадим айтимларимиз оҳанглари бор. Бундай шеърлар унинг ижодида талайгина.

«Султон, қаҳрингни бер!» шеъри номида-  
ноқ шердилемиз султон Жалолоддин Мангу-  
бердини ёдга солади. **Ўқиймиз:**

«Бу фожиалардан ортиқ таъсирланган султон-  
нинг онаси, аҳли аёли унга юкинди: «Оллоҳни  
ўртага қўйиб илтижо қиламиз, «Бизни ўзинг ўл-  
дириб, асирликдан қутқар!» У ноилож барчасини  
сўвга чўктиришни амр этди».

Шаҳобиддин Мухаммад ан-Насавий,  
«Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти» ки-  
тобидан.

Ёронлар!

Биз ҳам би-ир султонланайлик

Унинг йўлбарс руҳин ўзга ўтқариб,

Бўлайлик султонга суюклик қайлиқ,


Султоннинг онаси бўлайлик, ғариб...

Ҳатто

Хаёлидан боряпман ўрлаб

Бизда-да би-ир яшаб, кўқарсин султон.





# «БОБУРНОМА»ДА ҚАРДОШЛИК ВА ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Улуғмуфтафаккир, бетакрор шоир ва буюксаркарда, турк элининг фахриифтихори бўлган Захириддин Муҳаммад Бобур шахси ҳақиқатан зиддиятли. Бир тарафдан жуда нозик дидли шоир сифатида инжа англамлар ва ҳисларни шеърга солса, бир тарафдан катта қўшинни бошлаб жангу жадалларга бош бўлади. Аммо Мирзо Бобур инсонга меҳр-мурувват кўрсатиши ва уни қадрлаш борасида бебадал шахс эди. Жонини таҳликаларга қўйиб, дўстлик ва қариндошлик ҳаққини адо қилар экан, бу йўлда баъзан тожу тахт ва вилоятни бой беради, лекин одамийликни сақлаб қолади.

*Беқайдмену хароби сийм эмасмен,  
Ҳам мол йиғиштирур лаъим эмасмен.  
Кобулда иқомат этти дерсиз Бобурни,  
Андоқ демангларким, муқим эмасмен.*

Бобуршоҳ кичикликдан одам қадрини сийму зар, молу дунё, ҳатто салтанатдан баланд қўйиб яшади. Кишидан бир мурувват кўрган бўлса, уни умрининг охиригача унутмади. Етса моли, етмаса жони билан қариндошлик ва дўстлик ҳаққини адо қилди.

Тўққиз юз учинчи (1497–1498) йил воқеалари баёнида Самарқандни янги олиб, энди салтанат ишларини йўлга қўяётганида Андижонда Аҳмад Танбал ва Узун Ҳасан ёғиқиб, иниси Жаҳонгир Мирзони подшо кўтариш мақсадида Андижон устига бостириб келадилар. «...Менинг волидаларим ва Мавлоно қозидин муттасил, бу мазмун била хатлар келур эдиким, бизларни мундоқ муҳосара қилибдурлар. Агар келиб фарёдимишга етмасангиз, иш вубол бўлғусидур».

Бу пайт Бобур Самарқандда оғир бетоб эди. Шу аҳволига қарамай, Бобур Андижонга кўмак учун йўлга чиқади. Узлуқиб, касали оғирлашиб қолади. «Андоқким тўрт кунгача тилим тутулди. Оғзимга пахта бирла сув томизурлар эрди». Беклар бироз тузалгач, йўлга чиқишни маслаҳат берадилар, Бобур кўнмайди.

**«Бобурнома»дан ўқиймиз:** «...Устод ва пиримдинким, Хожа Мавлоно қози бўлғай бу навъ хатлар келиб, мундоғ эҳтимом била тилағайлар, не кўнгул била киши турғай».

Бобур етиб бормасидан душманлар Хожа қозини шахид қиладилар. Андижон учун Самарқандни ташлаб чиқади, Андижонни ғанимлар олиб қўядилар. Аро йўлда кўп маъзо бўлади. Ўн беш яшар йигит учун бу жуда оғир синов эди. Қариндошлик ва дўстлик ҳаққини риоя қиламан деб тожу тахтидан, ота пойтахти бўлган Самарқанддек вилоятдан ҳам ажраб қолган эди. «Бисёр шок ва душвор келди, то подшоҳ бўлб эдим, бу навъ навкардин ва вилоятдин айрилмайдур эдим, то ўзумни билиб эдим бу йўсунлик ранж ва машаққатни билмайдур эдим», деб эслайди Бобур Мирзо ўз хотираларида.

Бобуршоҳ ғалабаларининг сири яна шунда эдики, у ўзига эл бўлган халқларни қаттиқ туриб химоя қилар, аскарларнинг бебошликларига кескин чоралар кўрар, шу йўл билан оддий одамлар меҳрини, Худонинг ризосини топар эди. Ўзга беклар қўл остида босқинчилик ва талончиликка ўрганган навкарларнинг бебошликларига нисбатан қаттиққўллик билан чора кўради. Ўзига тобе бўлган элларни ўзгага талатиб қўймайди. Тўққиз юз тўққизинчи йил воқеалари баёнида **ўқиймиз:** «Бу юрттин кўчиб Қорабоғ ёнидаги Оксаройга тушилди. Хисравшоҳнинг эл куни зулм ва бесарлиққа ўрганган эл, элга зулм қила бошладилар. Охир Сейдим Али дарбоннинг бир ўбдон навқари биравнинг бир кўза ёғини тортиб олган учун эшикка келтириб таёқлаттим, таёқ остида-ўқ жони чиқди. Эл бу сийсаттин тамом босилдилар».

Маълумки, йиғи киши кўнглининг юмшоқлигини, ҳисларининг ўткирлигини, тасаввур дунёсининг бойлигини кўрсатади. Бировнинг дардига йиғлай олган одамнинг кўнгли Аллоҳга яқин бўлади. Аммо кичикликдан жангу жадаллар ичида юрган кишининг дийдаси қотиб, бировнинг қайғусини тортмайдиган

ҳолатга келиб қолади ва ўлимга нисбатан ҳам бепарворок бўлади. Бунини биз уруш кўрган танишларимиз суҳбатларидан яхши биламиз. Бироқ Бобур Мирзонинг шахсий хислатлари оддий одамларники каби эмас, у жанглар ичида улғайиб, бир неча мартаба ўлим даҳшатини бошидан кечирган бўлишига қарамасдан ўз яқинлари, дўстлари, ҳатто навкарлари бошига тушган мушкулотдан қаттиқ таъсирланади, кўп вақт уларнинг ғамида йиғлаб ҳам юради.

Ҳижрий тўққиз юз еттинчи йил воқеалари баёнида Нўён исми навкарининг вафоти ҳақида тўхталар экан: «Менга ғариб таъсир қилди, кам кишининг фавтига мунча мутаассир бўлб эдим. Бир ҳафта-ўн кунгача хамиша йиғлар эдим», деб ёзади.

Ҳижрий тўққиз юз саккизинчи (1502–1503) йил Бобурнинг тоғалари – Султон Муҳаммад ва Султон Аҳмад – Олачахон биргалашиб Бобурнинг вилоятиниким Фарғонадур озод қилиш ҳаракатида қўшин билан кўмакка келадилар, аммо Андижон қўлга киритилгач, дарҳол Олачахонга берадилар. Шунда Бобурнинг ички беклари чаргасидаги амирлардан бири «Қанбар Алибекким салоҳқа машҳур эди, манга ёндашиб келиб айттиким, кўрдингизму, филҳол бўлган вилоятларни олдилар, сизга булардин иш очилмас, ҳолоким Ўш ва Марғилон ва Ўзганд ва кирган вилоят ва эл ва улус илкингиздадур, филҳол бориб Ўшқа кириб, қўргонларни беркитиб, Султон Аҳмад Танбалға киши йибориб, ярашиб, мўғулни уриб чиқариб, вилоятларни оға-ини ҳисса қилишинг. Мен дедимким, раво бўлмағай, хонлар туққонларим, буларга навкарлик қилғоним, Танбалға подшоҳлик қилғондин ортиқроқдур».

912 ҳижрий йилда (1506–1507) Ҳиротдан Кобулга қайтаркан, Бобуршоҳ узоқ бўлса ҳам Қандаҳор йўли билан юрайлик, беҳавотир ва беташвишдур, дейди. Қосимбек тоғ йўлини танлайди. Йўл бошловчи Султон Пешойи қарилгидан йўл йитириб, қорда қийин аҳволга тушиб қоладилар. Отлар юролмайд пиеда қор тепиб йўл очиш керак бўлганда Бобур Мирзо Қосимбекка танбеҳ бермасдан ва хатосини юзига солмасдан ўзи ва ичкилари билан қор тепиб йўл очишда ёрдам беради. Ўзининг қадимий бекларидан бўлган Қосимбекнинг хурматидан навкарлар қаторида пиеда қор тепиб йўл очади. Нафақат Қосимбекка, балки бошқа бек ва навкарларга ҳам ўзининг подшолигини пеш қилмайди. Дўстлик ва ҳамкорлик хурматини сақлаб, ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан қор тепишга киришади. Ички бекларидан ўн-ўн беш киши унга эргашади, бошқалар эса ерга қараб бошини қўйи солганча тайёр йўлдан юраверадилар. Журъати ва ҳиммати етмаган кишини мажбурлаш Бобур Мирзога хос иш эмас эди. Бундай ишларни мардлиги бор киши ўзидан билиб қилиши керак, деб ҳисобларди у. **«Бобурнома»дан ўқиймиз:** «Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий-бир ярим шаръийдан ортуқ кўчилмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди икки ўғли Тангриберди ва Қамбар Али била яна икки-уч навқари ҳам бор эди. Ушбу мазкур бўлғонлар яёқ юруб қор тепар эдук, ҳар киши етти-секкиз-ўн қари илгари юруб қор тепар эди. Ҳар қадам қўйғонда белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди. Бир неча қадам борғондин сўнг илгариги кишининг ҳамли қўйуб турар эди яна бир киши илгари ўтар эди, бу ўн-ўн беш-йигирма киши яёқ қорниким тепар эди, онча бўлур эдиким, бўш отни тортса бўлур эди. Бўш отни тортилуру эди, узангусигача, қоптолигача кўп-кўп, бота-бота бу бўш от ҳам ўн-ўн беш қадамча йўл юруб толиқур эди. Бу отни ёқага тортиб, яна бир бўш отни илгари тортилуру эди. Ушбу дастур била биз ўн-ўн беш-йигирма киши-ўқ қор тепдук. Ушбу ўн-ўн беш-йигирма кишининг отлари-ўқ илгари тортилди, ўзга тамом ўбдон-ўбдон йигитлар ва бек отонгонлар отларидин ҳам тушмай, тайёр тепилган ва босилғон йўлга кириб, бошларини қўйи солиб келурлар эди. Мағал ул эмас эдиким, кишига таклиф ва зўре қилилғай, ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса, бундоқ ишларни ўзи тилаб қилур».

Ўша сафарда Бобур Мирзонинг яна бир мардлиги, инсонпарварлиги ва дўстларга садоқат ва мурувватини кўрсатувчи воқеа юз беради. Қўшин минг азоблар билан йўл юриб, уч-тўрт кунда кўтали Зарриннинг тубига ҳаволи Қутийга етиб келадилар. Қор чопқунлаб ёға бошлайди. «Андоқким, борчага ўлим ваҳми бўлди. Ул эл тоғдаги ғор ва ковакларни ҳавол дерлар.

Бу ҳаволга етганда чопқун беҳад тез бўлди. Ушбу ҳавол қошида-ўқ тушилди. ...Мен ҳаволнинг оғзида курак олиб, ўзумга бир така миқдори ер ясадим, қорни кўкусгача қоздим. Ҳануз ерға етмайдур эди. Бир нима елга паноҳ бўлди, ўшанда-ўқ ўлтирдим. Ҳар неча дедиларким ҳаволга бориб, бормадим. Кўнгулға кечдиким, борча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат била мунда, борча улус ташвиш била машаққатта мен мунда уйқу била фароғатта. Мурувваттин йироқ ва ҳамжихатликдин йироқ ишдур. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўраинин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса тураинин, бир форси масал бор: «Марг бо ёрон сураст» ўшандоқ чопқунда ясағон чуқурда ўлтурдум, намози хуфтангача қор онча чопқулаб ёғдиким, мен энгашиб ўлтурб эдим, орқамга ва бошимга ва қулоқларимнинг устига тўрт эллик қор бор эди. Ушул кеча қулоқларимга совуқ таъсир қилди».

Ҳиндистонни фатҳ этганда Бобуршоҳ хазинани барча бекларга бўлиб бераркан, бу урушда қатнашмаганларнинг ҳаққини ҳам фаромуш қилмайди. Самарқанд, Хуросон, Қошғар, Ироқ ва қаердаки бир қариндоши ё дўсти бўлса, совға-салом йўллайди. Макка ва Мадинага, Самарқанддаги пиру устозларига назр жўнатади. Кобул ва Кобул атрофи, варсақ садаси аҳолисига ирқу миллатидан, ёшидан ва динидан, эркак ва аёллигидан, ёшу қарисидан қатъи назар, киши бошига бир шохрўхийдан инъом қилади. Асарнинг 269-бетида **ўқиймиз:** «Хумоюнға етмиш лак хизонадин берилди. Яна бир битилмаган таҳқиқ қилмаган хизона уйини ўшандоқ-ўқ Хумоюнға инъом қилдим. Яна баъзи бекларга ўн лак, баъзиларга секкиз лак, етти лак, олти лак берилди. Жамиъ черикда бўлғон афғон ва ҳазора ва араб ва балуж ва ҳар жамоатқа қадри ҳолларига яраша хизонадин инъомлар бўлди. Ҳар савдогар ва ҳар толиби илм ва балки, ҳар кишиким, бу черикда ҳамроҳ эдилар, барча инъом ва бахшишдин ҳаззи вофир ва насиби комил элттилар.

Черикда бўлмағонларга ҳам бу хизонадин қалин инъом ва бахшишлар борди. Мисли Комронға ўн етти лак, Муҳаммад Замон Мирзоға ўн беш лак, Аскарый ва Ҳиндолға ва балки жамиъ уруқ-қайш, ўғлон-ушоққа қизилдин, оқдин, рахттин, жавоҳирдин, бардадин савғотлар борди.

Ҳатто Бобуршоҳнинг юришларига шумнафаслик билан тўсқинлик қилган Муҳаммад Шариф мунажжимнинг ҳам олдинги хизматларини инобатга олиб, бир лак инъом қилади ва қаламравидан чиқариб юборади.

Ҳиндистон фатҳидан жуда катта миқдорда моддий бойликларни қўлга киритган Бобуршоҳ ўз тарафдори Шаҳзода Таҳмосбни ҳам муносиб совғалар билан сийлашни унутмайди. «Панжшанба куни шаъбон ойининг ўн бешида хожагий Асадниким, Ироққа элчиликка бориб, Сулаймон туркман била келиб эди, яна Сулаймонға қўшуб, Шаҳзода Таҳмосбқа муносиб савғотлар била элчиликка йиборилди».

Шунинг билан бирга, ўзбек султонларидан борган элчиларни ҳам хазинадан муносиб инъомлар билан сийлайдики, бу элчилар ҳам Улуғбек Мирзонинг қизларидан бўлган набираларининг навкарлари эдилар. «Якшанба ўзбек элчиларига рухсат берилди. Кўчумхоннинг элчиси Амин Мирзоға камар ханжар ва зарбафт ялак ва етмиш минг танга инъом бўлди. Абусаид султоннинг навқари Мулло тағойиға ва меҳрихоним била ўғли Пўлод султоннинг навкарларига тугмалик чакманлар била кумош хилъатлар кийдурулди. Буларнинг ҳам парохур ҳоллари нақддин инъом бўлди». «Бобурнома»ни варақлар эканмиз, унинг ҳар бир саҳифасида Бобур Мирзонинг кўплаб инсоний хислати ўз аксини топганини кўраемиз. У кўз олдимишда ўзининг дарду ҳасратлари, қизиқишлари ва интилишлари, ҳис-туйғулари билан тирик инсон сифатида, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган, бу йўлда тинимсиз курашаётган оддий бир одам сифатида гавдаланади. Бобдан бобга ўтиб борган сари Бобурнинг шахс сифатида такомиллашиб борганини, инсон сифатида қўли очлиги, бағрикенглиги душманлари ва рақобатчиларига нисбатан вақти келганда бешафқатлиги, кези келганда кечиримлиги, дўстлари ва қариндошларига нисбатан ҳар қандай ҳолатда ҳам ғоят сабрли, эътиборлилигига, саховатининг бекиёслигига гувоҳ бўламиз.

**Ориф ҲОЖИ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



РАҒБАТ ЮКСАЛТИРАДИ

# ИЛМИЙ УНВОНЛАРГА ЭГА БЎЛИШДИ

Сўнгги пайтларда Мудофаа вазирлигида самарали узлуксиз ҳарбий таълим тизимига янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Илмий-тадқиқот фаолиятининг самарадорлиги ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда улкан ишлар амалга оширилди. Тизимда етарли билим ва тажрибага эга бўлган кадрларнинг етишиб чиқаётганлиги ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Кувонарлиси, илм ўрганиш йўлида тадқиқот ва изланишлар олиб бораётган ҳарбий хизматчиларнинг 6 нафари ҳукуматнинг тегишли қарорига асосан илмий унвон ва даражаларга эга бўлишди. Қуролли Кучлар академияси Илмий-тадқиқотлар институти бўлими бошлиғи, ҳарбий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) подполковник Равшан Раҳматбаев ҳам шу сафда бор. Унинг «қўшинлар разведкаси», «радиоэлектрон разведка», «оператив-тактик бўғиндаги психологик операцияларни ўтказувчи бўлинмалар тузилмасини такомиллаштириш», «Қуролли

Кучлар қурилиши (жумладан, Қуролли Кучлар турлари, Қуролли Кучлар фронт орти, қисм турлари ва махсус қисмлар)» мавзулари бўйича олиб борган узоқ йиллик изланиш ва тадқиқотларини инobatга олиб, ҳарбий бошқариш ва алоқа тизимлари ихтисослиги бўйича «катта илмий ходим» илмий унвони берилди.

Гуманитар фанлар кафедраси фалсафа фанлари доктори (PhD) Махлиёхон Нормуратова ҳам илмий йўлида қадр топаётганлардан. Унинг муаллифлигида қирқдан зиёд илмий иш, бир неча ўқув ва услубий қўлланма дарсликлар чоп этилди, электрон дарсликлар



Муаллиф суратга олган

ишлаб чиқилди. Унинг «этика», «мантиқ», «ҳарбий соҳа ривожидан фалсафий қонун ва категорияларнинг методологик аҳамияти», «фалсафа тарихи», «фалсафа» ва «ҳарбий хизмат этикаси» каби қирқдан ортиқ ўқув ҳамда методик қўлланма ҳарбий хизматчилар учун асосий манба сифатида хизмат қилмоқда. Мудофаа вазирлиги тизимида 16 йиллик илмий-педагогик изланишлари

самараси ўлароқ, Махлиёхон Нормуратовага «доцент» илмий унвони берилди.

Шунингдек, подполковник Умид Муйсиналиевга «Ҳарбий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)» илмий даражаси, подполковник Зафаржон Тоҳиров, ҚК хизматчилари Шукр-Али Атаев, Дилшод Артикбаевга «доцент» илмий унвонлари топширилди.

**Шерзод ШАРИПОВ**

«ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

ҚАДРИЯТ МАСКАНИ

## АСОСИЙ ЭЪТИБОР — ЁШЛАРГА

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Каттақўрғон тумани ўқув-спорт техника клубида ташкилот фаолияти, йўналишлари тўғрисида тасаввур шакллантириш ва унинг сафига кириш иштиёқини уйғотиш ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини туман аҳолиси, айниқса, ёшларга етказиш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилди.

Унда ёшлар, хусусан, уларнинг уюшмаган қисмини касбга тайёрлаш, «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг фарзандларини бепул асосда, давлат бюджети ҳисобидан ўқитиш бўйича яратилган шароит ва имкониятлар тўғрисида тадбир меҳмонларига маълумот берилди. Болалар ва ўсмирларни спортнинг техник ва амалий турлари бўйича тўғарақларда бепул шуғулланиш учун жалб қилиш, шунингдек, касбга йўналтириш асосий мақсад эканлиги қайд этилди.

Тадбирда сўзга чиққан туман ҳокими Жамшид Насриддинов «Ёшлар дафтари»га киритилган 75 нафар йигит-қизни давлат бюджети ҳисобидан «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув муассасаси ҳайдовчилик курсларида ўқитилиши, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва бандлигини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шу куни туман ёшлари ҳамда журналистлар ўқув-спорт техника клубида яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Тадбир якунида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўтказилган викторинада фаол иштирок этган ёшлар фахрий ёрлик билан тақдирланди. Шунингдек, «Ёшлар дафтари»га киритилган йигит-қизлар билан ҳайдовчилик курсларида ўқиш учун 4 томонлама шартномалар имзоланди.

**Дилшод ТОШБЕКОВ,**  
«Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти  
кенгаши раисининг ўринбосари

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилалар манфаатларини ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила – соғлом жамият» концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, замонавий оилани ривожлантириш, бой маданий, тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш борасида кенг қўлланма чора-тадбирлар, шу жумладан, тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

## «СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ»

Хусусан, Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида соғлом муҳитни барқарорлаштириш, шунингдек, 15 май – Халқаро оила кунига бағишлаб ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳарбий оилаларнинг жипслигини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ўтказилди.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини жалб этган ҳолда «Оила – миллий қадрият маскани», «Биз Тўмарис издошларимиз», «Оилам – олтин қўрғоним», «Соғлом оила – келажак пойдевори», «Янги Ўзбекистоннинг фаровон оиласи», «Оилам – фахрим» каби мавзуларда маънавий-маърифий учрашув ва давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Шунингдек, «Отам, онам ва мен – спортчи оиламиз» шиори остида спорт эстафеталари ташкиллаштирилди.

Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши ҳарбий оилаларда соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашга, жипслигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Подполковник Жаҳонгир ҚАЛАНДАРОВ**



«НАМУНАЛИ ҲАРБИЙЛАР ОИЛАСИ»

# ОИЛАМ – БАХТИМ, ФАРЗАНДИМ – ИҚБОЛИМ

Оила – табиатнинг шоҳ асари, қадрият ва анъаналарни авлодларга етказиб берувчи муқаддас гўша. Шунинг учун оилани муқаддас деб биламиз, уни асрашга, авайлашга интиламиз. Юртимизда аҳил, иноқ ҳаёт кечираётган оилалар жуда кўп ва ҳар бирининг бошқаларга намуна бўладиган, ўрганишга арзийдиган жиҳатлари бор. Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлиб ўтган «Намунали ҳарбийлар оиласи» кўрик-танловининг Мудофаа вазирлиги босқичи Ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар оилаларининг ана шундай ибратга арзигулик жиҳатларини юзага чиқарди.

Кўрик-танловда тўққизта оила учта шарт бўйича ўзаро беллашди. Шартларнинг қизиқарлилиги эса мусобақаларнинг қизгин ва мурасасиз ўтишини таъминлади. Иштирокчиларнинг чиқишларини Мудофаа, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси масъул мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Болажон халқмиз. Орзу-ўйларимиз, истакларимиз, жамики умидимиз, қиладиган эзгу ишларимиз ҳам фарзандларимиз тақдири билан уйғун.

Уларнинг камоли кўнглимизни сурурга тўлдирди, эзгу ишларга руҳлантиради. Кўрик-танловнинг аҳамиятли жиҳати ҳам унда ҳарбийларнинг иқтидорли, истеъдодли фарзандларининг фаол иштироки бўлди. Чет тилларида бийрон сўзлаётган Хумоюн, Хондамир (подполковник Ғофуржон Уразбаевнинг фарзандлари), Беҳрузбек ва Бекзодбек (III даражали сержант Баҳром Амоновнинг фарзандлари), ёш бўлса-да, онасига елкадош бўлиб касаначилик сир-асрорларини маҳорат билан эгаллаган Моҳинур, Зебинисо ва Дилнур (I даражали сержант Анваржон Номозовнинг

фарзандлари), спортнинг турли йўналишларида улкан ютуқларни қўлга киритаётган Аҳрорбек (подполковник Аброр Ибрагимовнинг фарзанди), Шоҳжаҳон, Зоиршоҳ ва Машҳурбек (подполковник Маъсуджон Рўзиевнинг фарзандлари), рақс ботида профессионал раққосалар билан беллашадиган даражада қобилиятга эга бўлган Муштарийбону (сержант Ёдгор Атанаевнинг фарзанди) ва Шаҳноза (катта лейтенант Муродилла Жамилонинг фарзанди)... Бу ўғил-қизларнинг кўрик-танловдаги фаол иштироки гулдурас олиқшиларга сазовор бўлди. Ҳа, улар бугуннинг авлоди, беллашувнинг ҳақиқий қаҳрамонлари сифатида кўнгиллардан жой олди.

– Беллашувларни томоша қила туриб, жуда таъсирландим. Бахтимиз, фарзандларимизнинг бахти ўз қўлимизда эканлигини, ота-она учун фарзанд камолини кўриш қанчалар ёқимлигини яна бир бор дилдан ҳис қилдим, – дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи Махпират Зокирова. – Оила – фарзанд билан тўқис, фарзанд билан мустаҳкам. Улар туфайли ҳаётга, яшашга бўлган қизиқишимиз ҳеч қачон сўнмайди. Қувонарлиси, ҳаётимиз мазмуни бўлган ўғил-қизларимиз бугунги танловнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади. Мен ҳарбийларнинг оиласида улғаяётган шундай тарбияли, маърифатли,







зукко бу болажонларга қараб ҳавас қилдим. Биз юртимизда баркамол фарзандлар улғайишини, ибратли оилалар, уддабурон оила соҳиблари кўпайишини чин дилдан истаймиз. Унутмаслик керакки, ҳар томонлама тўқис оилаларда маънан баркамол фарзандлар тарбияланади. Юртимизда шундай ёшлар вояга етаяптими, демак, келажакимиз ишончли қўлларда!

Беллашувни томоша қилар эканман, яна бир жиҳат эътиборимни тортди. Бу ҳарбийлар оиласи бекаларининг деярли ҳаммаси ўзига хос хунар эгаси эканлиги бўлди. Кимдир тадбиркор – тикув цехи очиб, аёлларни иш билан таъминлаган, кимдир тўқувчи, касаначи, яна кимдир эса қандолатчи.

Оиланинг ободлиги, рўзгорнинг баракаси аёл билан эканлигини кексаларимиз кўп таъкидлашади. Шунинг учун ҳам келин танлаётганда қиз боланинг уй тутуми-ю, қанчалик эп-шудлигига эътибор берилади. Уни қарангки, Ватан посбонларининг турмуш ўртоқлари худди катталарнинг орзусидагидек эп-шудли экан. Аслида бирим икки бўлсин, рўзгоримга барака инсин, оилам фаровонлигига, юрт равнақига мен ҳам ҳиссамни қўшай деган аёл шундай йўл тутди. У турмушини янада обод қилиб, ҳаётга янги-янги ғояларни татбиқ қилиш ҳаракатида бўлади. Қаерда, қай ҳудудда истиқомат қилишидан қатъи назар, ўз имкониятларини юзага чиқара олади.

Ҳа, ажойиб беллашув бўлди. Вақт қандай ўтгани сезилмади. Бир сўз билан айтганда, унда иштирок этган оилалар ўз чиқишлари орқали мўътабар қадриятларимизни, урф-одатларимизни, ўзбекона меҳр-оқибатни ўзига хос тарзда кўрсатиб беришди. Бу чиқишларда покиза инсоний туйғулар, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, мажбурияти ва масъулияти моҳирона акс эттирилдики, бу албатта, бошқаларга ҳам ибрат бўлгулик.

Шундай қилиб ғолиблар аниқланди. Фахрли 1-ўринни III даражали сержант Баҳром Амоновлар оиласи (ШҒҲО) эгаллади. 2-ўринга подполковник Ғофуржон Уразбаевлар оиласи (ТОҚҚҚ) лойиқ топилди. 3-ўринни эса подполковник Маъсуджон Рўзиевлар оиласи (ЧОТҚМБЮ) қўлга киритди.

Тақдирлаш маросимида ҳеч бир оила эътибордан четда қолмади. Ҳакамлар ҳайъати ғолибликка интиланган бошқа оилаларни ҳам турли номинациялар совриндори сифатида эътироф этди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим қилинди.

– Жудаям хурсандман. Қалбимда кечаянган ҳисни сўз билан таърифлаб бера олмайман, – дейди III даражали сержант Баҳром Амоновнинг турмуш ўртоғи Ҳилола Амонова. – Бугун ҳарбий хизматчининг рафиқаси эканлигимдан яна бир бор фахрландим. Мен ҳам тадбиркорман, қандолатчилик билан шуғулланаман. Шу билан бирга ўқув курсида қизларга, ёш келинларга қандолатчиликнинг сир-асрорларини ўргатаман. Бугун катта саҳнада, юзлаб томошабинлар олдида меҳнатим эътироф этилди. Бу мени янада руҳлантирди. Бу аслида ишонч, масъулият дегани. Бундан буюн ҳам мана шу ишонччи, намунали оила деган шарафли номни оқлаймиз.

Шу ўринда подполковник Ғофуржон Уразбаевлар оиласи ҳақида ҳам сўз айтишни лозим топдик. Негаки, спортчи оила сифатида эътироф этилган бу оиланинг шу кунгача эришган ютуқлари таҳсинга сазовор. Оила бекаси III даражали сержант Рўзигул Қурбонова турмуш ўртоғи каби спортнинг каратэ тури билан шуғулланиб келади. Уларнинг фарзандлари – Ҳумоюн ва Хондамир ҳам каратэ бўйича бир қанча спорт мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритган.

– Оилада соғлом турмуш тарзини йўлга қўяман деган инсон аввало спорт билан шуғулланиши керак, – дейди подполковник Ғофуржон Уразбаев. – Шунинг учун биз фарзандларимизни болалигидан спортга ошно қилиб ўстирдик. Бугунгача улар спортда катта ютуқларга эришди. Уларнинг ютуқлари – бизнинг муваффақиятимиз. Ота-она учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА**





Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Хуррият кўчасидан ўтиб бораётиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийси Миржалол ота Мирҳайдаров билан бўлган бир учрашув ёдимга тушди.

Миржалол отанинг хонадонида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Бир пайт дарвоза эшиги очилиб, хонадонга ўрта ёшлардаги аёл билан бошига шляпа кийган қорамағиз киши кириб келди. Салом-алиқдан сўнг Миржалол ота меҳмонларни ўтиришга таклиф қилди.

– Биз қўшни маҳалладаги мактабдан келдик, – деди шляпали киши ўзини таништириб. – Мен мактаб директориман. Эртага мактабимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари билан учрашув ўтказмоқчимиз. Шунга сизни таклиф этиш учун келдик. Агар иштирок этишга розилик берсангиз, бошимиз осмонга етади. Хўш, Миржалол ака, нима дейсиз?

Миржалол ота бироз ўйланиб туриб, қатъият билан жавоб берди:

– Албатта, бораман! Ўқувчилар кутишади-ю, бормаслигим мумкинми...

Мактабдан келган вакилларнинг чехраси ёришди, қўлларини кўксига қўйиб, миннатдорлик билдиришди. Кейин учрашув вақтини келишиб, хонадонни тарк этишди.

– Миржалол ота, агар сир бўлмаса, айтинг-чи, бу гал учрашув иштирокчиларига қайси жанг хотираларингиздан ҳикоя қилиб бермоқчисиз?

Отахон бир нуқтага тикилиб, ўйга толди. Унинг хаёлига бир дақиқанинг ўзида нималар келиб, нималар кетмади. Ўтмиш китоби яна бошидан варақланди. Бир-биридан ҳаяжонли, бир-биридан қимматли бу саҳифалар...

...1942 йил. Ҳазонрез куз ойлари. Старуссия шаҳри яқинида шиддатли жанг бўляпти. Жанговар ҳаракатлар давом этаётган бир пайтда махсус разведкачилар гуруҳи қўмондонликдан муҳим топшириқ олди: душман томонга ўтиб, қандай бўлмасин «тил» олиб келишлари керак.

Разведкачилар гуруҳи сафида Миржалол ҳам бор эди. Гуруҳ тунда топшириқни бажариш учун йўлга отланди. Йўл ниҳоятда оғир, хавфли эди. Қоронғи тун. Душман прожекторларининг кучли шуъласи, ахён-ахёнда олиб турган мушакларнинг нури разведкачиларнинг олға силжишига ҳалақит берарди. Вазифа оғир ва хатарли эди. Разведкачилар деярли бутун йўлни эмаклаб босишди. Кўп ўтмай разведкачилар ҳарбий топшириқни кўнгилдагидек бажаришди. Душманнинг ўнлаб фашист батареяси ўрнашган жойлар аниқланиб, ҳаритага хатлаб олинди. Шундай бўлса-да, разведкачиларнинг кўнгли ғаш ва диққат эди.

Ихчамгина окопга тушиб олган Миржалол теваарак атрофни кузата бошлади. Олдинда сим тўрлар, нарироқда эса вайрон бўлган техника – замбарак, танк ва ҳоказолар кўзга ташланиб турибди. Чап томондаги тепалиқда дзот борлигини, унда жойлашиб олган душман пулемётини Миржалол атроф зим-зиё қоронғи бўлса-да, кўриб қолди. Сим тўрнинг орт томони миналаштирилган дала бўлиб, ўтган тунда уни сапёрлар разведкачилар ҳаракатланиши учун йўл очишганини Миржалол ва унинг қуролдош дўстлари яхши билишарди. Кутилмаганда душманнинг икки қуролли соқчиси тепалиқдан ўтиб, разведкачилар яшириниб ётган пана жойга яқинлаша бошлади.

«Бир илож қилиш керак, – дея шивирлади Миржалол фашистларнинг совуқ башарасидан



## ПўЛАТ ИРОДАЛИ ИНСОН ЭДИ...

кўз узмай қуролдош дўстига. – Фурсат ғанимат».

Кўп ўтмай разведкачилар пана жойдан отилиб чиқиб, фашистларнинг бошларига автомат кўндоғи билан уришди. Кучли зарбдан улар ҳушидан кетди. Тонгга яқин разведкачилар фашистларнинг қўл-оёқларини боғлаб, қисмларига олиб келиб, командирга топширишди. Разведкачилар олиб келган фашистлардан душманнинг ҳарбий техникаси, жойлашуви, Ҳаракатланиши тўғрисида муҳим маълумотлар олинди. Разведкачилар топшириқни аъло даражада бажарганликлари учун орден-медалларга тавсия этилди.

...1943 йилнинг июль ойи. Украинанинг Кукушкин қишлоғини душманлардан озод қилиш учун жанг боряпти. Душман мавжуд ҳамма замонавий қуроллардан ўт очиб, жангчиларнинг ҳужумга ўтишига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Лекин ҳужум ҳамон тезлик билан олға давом этарди. Душманнинг олдинги мудофаа кучлари яқсон қилинди. Тез-тез учраб турган ва турли дўнгликлар устидан чаққонлик билан сакраб ўтиб, олға интилаётган Миржалолнинг ёнгинасига душман снаряди келиб тушди. Кучли портлаш бутун борлиқни ларзага келтирди...

Миржалол ҳушига келганда госпиталда ётарди. У қанча уринмасин, бу ерга қандай келиб қолганини эслаб олмади. Унинг қулоғи остида ҳамон ўша даҳшатли портлашнинг зарби қолган, боши гангиб, кўзи тинарди. Аввалига у ўз жароҳатларини пайқай олмади. Чарчаш, кўп қон йўқотиш уни қаттиқ ҳолдан тойдирганлиги туйғайли яна уйқуга кетди.

Тиниқиб дам олгач, ўзини анча енгил сизди. Уйга – Тошкентга хат ёзмоқчи бўлди. Бироқ ўрнидан кўзғала олмади. Даҳшат! Икки қўли елкасидан кесиб ташланган эди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди. Томоғига нимадир тикилди. Кўзларини чирт юмиб, юм-юм йиғлади. Мажруҳ бўлиб қолиш – инсон учун бахтсизлик. Ҳа, тамом, ҳаммаси тамом.

У госпиталда узоқ даволанди. Ўзи учун жароҳатидан ҳам оғирроқ бўлган мана шу кунларда шифтга термилиб, кўп ўйлади. Рафиқаси,

фарзандлари, ёру дўстлари, қариндошларини ёдга олди, улар қандай кутиб олишини бир-бир кўз олдига келтириб кўрди. Шунда Миржалолнинг фронтдош дўстлари унга тасалли беришди: «Фарзандларингиз вояга етиб қолибди, сира ўкинманг!» Жароҳатлари бутунлай битгач, унга уйига қайтишга рухсат беришди. Уруш жанггоҳларида ёвуз душманга қарши елкама-елка туриб, совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай, бирга жанг қилган дўстлари ростовлик В. Степаненко ва нижний тагиллик М. Коловоцкий кузатиб келишди. Миржалол ака ўша кезлардаги жуда оғир шароитга қарамасдан уни то кадрдон уйигача бажонидил кузатиб келган фронтдош дўстлари номини умрининг охирига қадар ҳурмат билан тилга олди.

Миржалол ака уйига келди-ю, йўл-йўлакай ўйлаб келган фикр-хаёллари остин-устун бўлиб кетди. Уни хотини ва фарзандлари пешвоз чиқиб қарши олишди. У шунда қўлларининг бор-йўқлигини ҳам тамоман унутиб қўйди.

Миржалол Мирҳайдаров уруш йиллари ўзининг кўрқмас, чапдаст жангчилигини кўп марта намойиш этди. Унинг жанг майдонларида кўрсатган жасорати муносиб баҳоланди. Қаҳрамонимиз I даражали «Ватан уруши» ордени ва бошқа қатор жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди. Оғир жароҳат унинг иродасини бука олмади, тақдир қаршисида тиз чўкмади. У олти нафар фарзандни вояга етказди. Фарзандларининг деярли ҳаммаси ўқимишли, зиёли кишилар бўлиб вояга етишди.

Миржалол ота қўшни маҳалладаги ўрта мактабда йиғилган ўқувчиларга, ота-оналарга Иккинчи жаҳон урушида юртдошларимизнинг кўрсатган мислсиз жасоратлари ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди. Ҳозир Миржалол ота Мирҳайдаров орамизда йўқ. Лекин у уруш йиллари кўрсатган жасоратларини ҳамон маҳалладошлари, фарзандлари тез-тез эслаб, хотирлаб турадилар. Шулар қатори мен ҳам бу мўътабар инсонни ёдга олиб, у кўрсатган жасоратларнинг бир қисмини сиз, азиз газетхонларга етказишни бурчим деб билдим.

Миржалол отанинг ҳаёти ҳақида гапирар эканмиз, унинг ғайрат-шижоатига қойил қолмай иложимиз йўқ. У ёниб яшади, ўзидан ўчмас из қолдирди. Ўзи яшаган маҳалла ободончилиги ишларида бош-қош бўлди. Шу ўринда унинг одамгарчилиги, қўли очиклиги ҳақида гапирмаслик мумкин эмас. Унинг бутун ҳаёти меҳр-мурувват билан йўғрилган эди. Қаерда тадбир бўлса Миржалол ота бош-қош, ҳеч кимдан ёрдамини аямасди.

Вақт Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли йилларини биздан борган сайин узоқлаштирмоқда. Аммо қанча йил ўтмасин, қанча авлод ўзгармасин, инсонлар бахт-саодати учун мардондор жанг қилган инсонлар номи халқ хотирасида мангу яшайди.

**Мурод ТИЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Журналистлар  
ижодий уюшмаси аъзоси



## ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ



(Воқеи ҳикоя)

## ШИФОКОР

– Онаси, мен бир далаларни айланиб келай. Боғдан хабар олмаганимга ҳам анча бўлди, – нонуштадан сўнг йўлга отланди Шавкат ака. – Истасанг, сен ҳам юр, боғимиздаги ўриклар роса гуллагандир.

– Қани энди боролсам, ишим бошимдан ошиб ётибди, – дастурхонни апил-тапил йиғиштираётган Рокияxon опа хушёр тортиди. – Ҳой, менга қаранг, кечкурун юрагингиз безовта қилганди. Ҳозир бо-ришингиз шартми? Ўғилларингиз шундоғам кун ора боғдан хабар олиб турибди.

– Пиёда юрмасам, машинада бораман-у, бир айланиб қайтаман. Болалар давлат одами, доим хизмат билан банд. Боғдаги ишларни назорат қилишим керак-ку.

– Неваралар мактабдан келса, бирортаси сизга шерик бўлармиди? Озгина кутсангиз...

– Хавотир олма, соппа-соғман, – Шавкат ака хотинининг гапини охиригача эшитмай, машина-сига ўтирди.

Рокияxon опа қайсар эрининг ортидан термилганча қолди. «Бирга борсам, яхши бўларди-да», ўзини койиди, кўнгли хижил аёл.

Мусаввир кўклам борлиққа ўз сеҳрини намойиш этган. Далалару боғлар кўм-кўк майсалару гуллар оғушида. Одамлардан тортиб, зиғирдек ҳашаротга қадар ҳаёт қўшиғига камарбаста. Шавкат ака машинасидан тушиб, атрофга хушнуд боқди, гуллар ифорига бурканган ҳаводан симириб нафас олди. Яхши кайфият ила боғ ичига йўналди.

Ўриклар қийғос гуллаган, аскардек саф тортган қатор-қатор олмалар, гилос ва шафтолилар гуллаш арафасида. Бу боғни у ўз қўли билан яратган. Юрт осойишталигини асраш йўлида узоқ йиллар хизмат қилган Шавкат ака истеъфога чиққач, дилидаги орзусини юзага чиқарди. Ер олиб турли мевалардан боғ қилди. Шунинг учун бу гўша унга қадрдон. Баҳордан кузга қадар куну деярли шу ерда ўтади. Тўғри, атрофида ёрдамчилар етарли, бироқ боғдаги асосий ишларни ўзи қилишни истайди.

Аммо кейинги пайтларда соғлиғи панд бера бошлади. Юрагидаги ўзгариш сабаб, ўғилларининг савий-ҳаракати ила боғ ишларидан «четлаштирилди». Фақат бориб дам олиб келиши мумкин. Шунда ҳам олдида одам бўлиши шарт.

У қатор оралаб юрар экан, боғнинг ҳолатидан мамнун жилмайди. «Ҳа-а, дарахтларнинг парвариши яхши. Шохлари ҳам жой-жойида кесилган. Болаларга ишонса бўлади...» Шунда... шунда юрагида алланечук оғриқ сезди-ю, ерга юзтубан йиқилди...

Шавкат ака кўкрагини ерга бериб ётган ҳолда ўзига келди. Бир амаллаб қаддини тиклаб, эгатга ўтирди, атрофга назар ташлади. «Ҳеч зоғ кўринмайди, кап-катта одам ерда думалаб ётса, – ҳаёлидан ўтказди у. – Юрак бу қадар панд беради деб ўйламагандим. Ҳарқалай тирикман, шунисига ҳам шукур. Энди машинага етиб олсам бўлгани». У бир-икки қадам ташлаганди ҳамки, вужудига оғриқ билан бирга безгак кирди. Яхшики, қўл телефони олдида экан. Қўллари қалтираган қўйи хотини билан боғланди...

Бир ҳафтадирки, Шавкат аканинг тана ҳарорати юқори. Шифокорларнинг муолажаси узоғи билан уч-тўрт соатга таъсир қилар, яна юқори иситма ва безгак бошланарди.

– Дада, шифохонага ётмасангиз бўлмайди, – отасига вазиятни ётиги билан тушунтирди катта ўғли Ҳумоюн. – Шифокорлар юрагингиз сабаб, жойидан кўзғатмай муолажа қиламиз, деганига уйда даволатиб тургандик. Иситмангиз ўтиб кетмаяпти, шифохонада текширувлардан ўтишингиз керак.

– Майли ётсам, ётақолай. Юрагимда оғриқ йўқ, ўзимни яхши ҳис қиламан. Фақат иситма ҳолимни қуритяпти.

– Унда ҳозироқ туман марказидаги шифохонага ётасиз. Жой тайёр, онам олдингизда бўлади. Эрталабдан таҳлил ва турли текширувлар бошланади. Шифокорлар текширув жавобига қараб даволашни бошласа, ҳамма дардингиз ортда қолади, ҳали.

– Айтганинг келсин...

Шавкат ака лаборатория таҳлиллари-ю, турли тиббий аппаратларда обдан текширувдан ўтди. Қонда бироз шамоллаш борлигини ҳисобга олмганда, барча таҳлиллар жавоби маромида, жиддий ўзгариш йўқ. Юрак фаолияти ҳам муолажалар сабаб, яхши томонга ўзгарган. Барча ички органлар ёшга жавоб берадиган даражада соғлом. Аммо тана ҳарорати ҳамон юқори. Уни меъёрлаштириш учун турли муолажалар қўлланди. Бироқ барчаси бефойда. Иситма сабаб, беморнинг борган сари тинкмаси қуриб борарди.

– Шавкат акани вилоят марказидаги шифохонага ўтказмасак бўлмайди, – беморнинг ўғилларига ҳолатни тушунтирди, бош шифокор. – У ерда малакали шифокорлар кўп. Чет элдан сўнгги русумдаги тиббиёт аппаратлари келтирилган. Зарур бўлса, пойтахтдан тажрибали шифокорлар чақиртириш имкони бор.

– Пойтахтдаги клиникаларга олиб борсак-чи?

– Буни ҳам ўйлаб кўрдик. Бироқ узоқ йўлда, юрак панд бериб қўйиши мумкин. Вилоят марказида ҳам кучли мутахассислар етарли. Кейин, таҳлил натижаларида жиддий касаллик аниқлангани йўқ. Уша ерда оёққа туриб кетса керак...

Замонавий шифохона, замонавий асбоб-ускуналар, малакали шифокорлар... Ва яна қайта таҳлиллар ва тиббий текширувлар...

– Шавкат Раҳмонович, сизни жуда ҳурмат қилман, – беморнинг кўнглини кўтариш учун кирган бош шифокор таҳлил натижаларини мамнунлик ила унга етказди. – Сизнинг таҳлилларингиз юзасидан шахсан ўзим шуғулланяпман. Сизда ҳеч қандай жиддий касаллик аломати йўқ. Бу дегани ортиқча хавотирланишга асос йўқ. Худо хоҳласа, шифохонамиздан соғлом бўлиб чиқиб кетасиз.

– Раҳмат, дўхтир, сизларга ишонман. Фақат иситмадан қутулсам бўлгани. Мени қийнаётган нарса шу.

– Албатта, ҳолатингиз юзасидан тажрибали мутахассислар билан маслаҳат қилдик. Ҳозироқ муолажаларни бошлаймиз, ҳаммаси яхши бўлади...

Умид, ишонч, уколлар, дорилар, турли-туман муолажалар... Шавкат ака маълум фурсат дарддан қутулгандек бўларди-ю, барчаси яна қайтадан бошланарди. Юқори тана ҳарорати, безгак, ҳолсизлик, уйқусизлик... Озиб кетган, иштаҳасиз, ранги афтода беморни кўрмаган, текширмаган шифокор мутахассис қолмади. Ҳаммаси ўз услубида текширув ўтказишни, даволашни хоҳларди. Лекин бу муолажалар қумга сув қуйгандек беиз кетарди.

– Мени уйга олиб кетинглар, – буюрди ўғилларига у. – Манзилга етиб келдим чоғи.

– Дада, ноумид бўлмасангиз-чи...

– Уйга дедим...

Нуфузли лавозимда хизмат қилган, эл-юртга фойдаси теккан бағрикенг инсонни кўргани келгучилар беҳисоб. Жигарлар, дўстлар, шогирдлар ҳар томондан даво излаш билан овора. Ўғиллари пойтахтга олиб бориш учун оталарини кўндириш илинжида.

– Нега Тошкентга боришга қаршилиқ қиламан? – Шавкат акага танбеҳ бера кетди пойтахтда истиқомат қилаётган дўсти Озод ака. – Ноумид шайтон, ҳар дарднинг давоси бор, ҳали узоқ яшайсан, дўстим.

– Кўрдинг-ку, Тошкентдан келган профессорлар ҳам даволай олмади, – ҳолсиз пичирлади Шавкат ака. – Фойдаси йўқ.

– Улар даволай олмаган бўлса, бошқаси даволайди. Менинг ҳам шифокор танишларим кўп. Шунинг учун келдим, ҳозироқ бирга жўнаймиз, ўзим олдинда бўлман...

Шавкат ака беморлар қабулига кириш учун ойлаб навбат кутадиган номи машҳур профессорлар текширувида бўлди. Энг ёмони, у қайси шифокор қабулида бўлмасин, тиббий таҳлиллар, замонавий тиббий ускуналар орқали текширувлар қайта бошланарди. Бири бириникини тан олмасди. Фақат, фақат натижа бўй кўрсатай демасди.

Қоқ суякка айланган алпомошкелбат оталарининг дардига даво топа олмаганидан тушкунликка тушган ўғиллари унинг илтимосига кўра, уйга олиб кетишга қарор қилишди.

– Йўқ, унинг дардини аниқламай туриб, олиб кетмайсизлар. У ҳали яшайди, – ишонч билан йиғитларга юзланди Озод ака. – Яна бир тажрибали шифокор бор. Тўғри, у номи донгдор профессор эмас, кишлоқдан чиққан оддий врач. Аммо у билган нарсани профессорлар ҳам аниқлай олмаганига гувоҳ бўлганман. Шунга кўрсатамиз...

– Кўкрагим билан йиқилганман денг, – Шавкат аканинг кўкрак қисмини аста пайпаслаб кўрар экан, савол беришда давом этди шифокор. – Баҳорда ер нам бўлади. Бундан чиқди кўкрагингиз камида бир соатга яқин захда бўлган. Қаерда оғриқ сезсангиз, айтинг.

Шифокор бармоқларини синчковлик ила юрғизар экан, бир нуқтага келганда Шавкат ака инграб юборди.

– Ҳаммаси жойида, – қатъий қарорга келди у. – Тана ҳароратининг кўтарилишига шу ерга йиғилган йиринг сабабчи бўлган. Ҳозироқ сизни бундан халос этамиз. Бу арзимаган, кичик жарроҳлик орқали амалга оширилади. Тайёрмисиз?

Гапирингиз-да ҳоли йўқ Шавкат ака шифокор текширувини кузатиб турган дўсти ва ўғилларига қаради.

– Дўхтир, бунинг учун таҳлил, текширув...

– Ҳеч қандай текширув керак эмас. Кўриб турибман, юзга яқин таҳлил, текширувлардан ўтибди. Шунинг ўзи етарли, беморни ортиқча қийнашнинг ҳожати йўқ. Тезроқ йирингдан халос этиш керак, иситма ўша захоти тўхтайтиди.

– Тайёрман, – кўзларида яшашга бўлган умид учқунлари пайдо бўлди Шавкат аканинг...

Бир ҳафта деганда юзига қон югурган Шавкат ака оиласига қайтди. Пойтахтга кетиш олдида у билан руҳан видолашган атрофидаги юзлаб инсонлар шукроналик тўйига йиғилишди. Муолажаси учун ҳақ олишдан бош тортган қайсар шифокор билан у бир умрлик дўст бўлиб қолди.



Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»



## МУЛОҲАЗА

# ДАДАМ — МАДАД ДЕГАНИМИ?

Яқинда марказий телеканаллардан бирида қизиқарли кўрсатув берилди. Кўрсатув қахрамони шунақа ажойиб қобилиятга эга эканки, асти қўяверасиз. У ҳар қандай сўзни айтганингиз заҳоти тескарисига ўгириб бераркан. Масалан, шакар десангиз – рақаш, ракета десангиз – атекар, қулупнай десангиз – йанпулуқ... деб туравераркан. Қойил. Лекин қуюқ десангиз, у ҳам қуюқ дер экан. Шу кўрсатув баҳонасида мен ҳам ҳар хил сўзларни тескари ўгириб айта бошладим. Бироқ айрим сўзларнинг тескариси ғалати чиқаркан, айримлари эса мантиқан бир-бири билан боғланганига ишондим. Дейлик, дадам деган сўзни тескари ўгирсангиз, мадад бўлади. Ажаб, «дадам – мадад» бирикмаси теран мазмун касб этишини қаранг!

Ёши улуғлардан эшитганларимиз бўйича санайдиган бўлсак, отанинг ўғил олдида яхши тарбия беришдан ташқари учта асосий фарзи деймизми, бурчи деймизми, тафовут унча катта эмас, хуллас, вазифаси бор: чиройли исм қўйиш, хатна қилиш ва уйлантириш. Аслида, отанинг фарзлари орасида санамаганимиз тарбиянинг эса инсон ҳаётида ўта муҳим роль ўйнаши барчамизга аён. Бироқ ишонч билан айтиш мумкин, ҳеч бир ота ўғлига ўғрилиқ қилишни, бировга зарар-заҳмат етказишни, виждонсизлик, қаллоблик сингари бўлмағур ишларни буюрмас керак. Лекин тан олиш лозим, айрим оталар шундай қил демаса-да, ўзларининг кирдикорлари, нораво амаллари билан ўзи билмаган ҳолда ўғлига ўрнак бўлиб қолади. Айрим оталар эса фарзандини, хусусан, эртага бир оиланинг боши, раҳнамо раҳбари бўладиган ўғлини қўлидан етаклаб юради. Бу деганимиз ота ўғлини ўз ҳолига ташлаб, ипини бўш қўйиб юборсин дегани эмас. Аммо ўғил болани мустақил фикрлашга, сўзини эркин айта олишни ўрганишга, дадилликка, мардликка ўргатиш учун ҳам бироз эркинлик керакка ўхшайди. Бунинг учун боланинг эртароқ бирор ишни ўзи удалашига йўл қўйиб бериш лозим, назаримда...

Яқинда таҳририятга бир киши ўғлини етаклаб келди. Ўғил отанинг етовида юрадиган ёшда эмас, кучини олган, кўркам кийинган. Кейин йигитча эшикда қолиб, ота бафуржа етти аждодимнинг соғлиқ-саломатлигини сўраб чиққач, мақсадга кўчди:

– Укажон, шу ўғлимиз жуда бир истеъдодли чикди, зўр шеърлар ёзади. Мана, – ўгирилиб ўғлининг қўлидан катта файл-папкани олиб, менга узатди, – ўқиб кўрсангиз, ўзингиз ишонасиз. Хуллас, ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳозир ҳар хил танловлар кўп, ёшлар учун катта имкониятлар,

шарт-шароитлар яратилган. Шу боланинг шеърларини газетда кўпроқ боссангиз. Танловга ҳужжат топшириб келдик ҳозир. Матбуотда ижоди билан кўринганми, деб сўраб қолишувди, ҳужжат қабул қилиш муддати тугагунча «есть» қиламиз, ҳозир уйда қолиб кетибди, келтириб қўшиб қўямиз, оға, дедим. Энди-и, талантга ёрдам керак-да, укажон, бир қўллаворинг.

– Бажонидил, – дедим қўлимни кўксимга қўйиб, – шеърлари яхши бўлса, албатта, чиқарамиз.

Ота-ўғил кўнгиллари тоғдай кўтарилиб чиқиб кетишгач, салмоқлигина файл-папкани варақладим. Шеърлари дуруст, шунақа экан, пенсионер отасини судраб юрмасдан йигитчанинг ўзи келганда ҳам унча-мунча шираси бор шеърларни эътибордан нари тутмасдик, ташлаб қўймасдик. Шу ўй миямдан лип этиб ўтган заҳоти папканинг сўнгги саҳифасидаги таржимаи ҳолга кўзим тушиб қолди. Ажаб, эшикда қолиб, отасини менга рўпара қилган бола ўзим қатори экан...

Талабалик – олтин давр, дейишади. Ҳақиқатан, қайсидир томонлари олтинга қиёс қилгулик. Ҳангомалари ҳам бисёр. Бир гал шартнома пулини тўлаш пайти келиб қолганда менга ўхшаб контракт асосида ўқиётган курсдошимдан «Ярим йиллик тўлов қанчага тушяпти?» деб сўрадим.

– Билмасам, – деди курсдошим хотиржамгина, – дадам аллақачон тўлиқ бир йилликни тўлаб қўйган. Сўрамабманам. Шу ўринда сал кўполроқ бўлса ҳам, толиб айтилган бир латифани сиз ҳам эслагандирсиз? Хуллас, бир киши йўлдан буқа етаклаб кетаётса, маҳалладошлардан бирови сўраб қолибди:

– Ҳа, қўшни, ҳўкиз етаклаб юрибсизми?  
– Йўқ, – дебди амаки аччиқланиб, – бу диплом, ҳўкиз ўқишда.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, тоғни урса, толқон қиладиган ўғлон отасининг тер тўкиб тўлаган тўлови миқдорини ҳеч бўлмаса, билиб қўйса, ёмон бўлмасди-ку! Ўтқир Ҳошимовга талабалик йиллари тўғрисида савол беришганида шундай жавоб берганди: «Менинг талабалигим «олтин» ҳам, «кўмуш» ҳам бўлган эмас. Трамвай майдончасида ўтган. Гарчи мактабни медаль билан тугаллаган бўлсам-да, ЎЗМУ (ўша пайтда ТошДУ бўлган)нинг сиртқи бўлимига кириб, ўқишга мажбур бўлганман. Отам касал, акам армияда эди. Ишлаб, оилага ёрдам бермасам бўлмасди. Газеталарда хат ташувчи дастёр, мусаҳҳих ёрдамчиси, мусаҳҳих бўлиб ишлаганман. Биринчи маошимни отамнинг қўлига келтириб берганимда: «Тупроқ

олсанг, олтин бўлсин!» деб дуо қилгани ҳамон кўз ўнгимда турибди...»

Ота дуосини олган адиб эл ардоғида яшади. Миллионлаб мухлислар орттирди, ҳақиқий халқ ёзувчисига айланди. Чиндан ҳам, ота дуосида ҳикмат кўп...

Ривоят қилишларича, бир олим денгиз сафарига чиқибди.

– Ҳисоб илмини биласанми? – дея сўрабди йўлда қайиқчидан.

– Йўғ-э, мен бир оми одам бўлсам...

– Унда ярим умрим зое бўлди деявер!

Шу орада тўфон кўтарилиб, қайиқ чўка бош-лабди.

– Сузишни биласанми? – дея сўрабди қайиқчи.

– Йўқ.

– Унда бутун умрим зое бўлди деявер! – дебди қайиқчи.

Яъни одамнинг билгани ўзига фойда, бугун бўлмаса, эртага асқатиб қолар. Бежиз «Бир йигитга қирқ хунар ҳам оз», демайдилар. Вақтида бўйни ишга ёр бермаган, меҳнат қилиб ўрганмаган, бирор ютуққа ўз кучи билан эришмаган фарзанд меҳнатда қўли қадоқ бўлган ёхуд кўзининг нуруни болам деб йўқотган отасининг қадрига етармиди? Ҳўп, ўғлининг қўлидан етаклаб юриб, шиғирларини у ёқ-бу ёқда илтимос қилиб чоп эттириб, танловларга қатнаштириб, ўқитиб қўяётган ота ҳали-бери тинчийдимикин? Йўқ-да, энди бу ўғил-тойни ишга жойлаштириб қўйиш керак-ку, ахир. Аммо ота-онани боғлаб бермаган, ҳар кимнинг ўтари бор, тоғдай таянчидан туйқус жудо бўлган ўғилтой бошини қайси деворга уради?..

Энди сўзимиз аввалида айтганимиз «дадам – мадад»ни яна бир карра эсласак. Дарҳақиқат, ота – мадад. Нафақат моддий, балки ҳар жиҳатдан фарзандини қўллаб-қувватлашга ҳозир. Отанинг ҳар бир дашноми, маслаҳати, танбеҳи... ўғилга ҳаёт йўлларида ҳақиқий мадад бўлмайди? Отанинг хунарини ўрганиб қўйиш, унга кези келганда кўмаклашиш, қўлтиғидан кириш, ҳеч бўлмаганда, оғирини тўла ташлаб олмаслик лозим эмасми? Хуллас, истагимиз шуки, ўғиллар ўғлон бўлиб улғайсин, ҳаётнинг баланд-пастини, аччиқ-ширинини тотиб, англаб, билиб ўссин, излансин, ўқисин, уқсин, меҳнатдан қочмасин, хунар эгалласин... Токи бир кун келиб аллақандай «қайиқчи» истеҳзоли кулиб туриб: «Бутун умрим зое кетди деявер!» деб айтмасин.

Мансур ЖУМАЕВ,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## УРУШ КЎРГАН ОДАМЛАР...

## БОБОМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Биз бобомни ота деймиз. Қизимга эса «оқ» ота бўлади. БЧунки қишлоқда соч-соқоли оқ нуруний отахонларни «оқота» деб чақирашади. Отам – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, «Жасорат» медали соҳиби Ортиқхожи Аскарлов 1925 йили Андижон вилоятининг Избоскан тумани Тўртқўл қишлоғида туғилган. Бобом фашистлар армиясига қарши курашда авиация қўшинларида хизмат қилган. Уруш тугаганидан сўнг, 7 йил давомида яна хизматини давом эттирган. Бобом ҳарбий хизмат йилларида Хитой ва Япония давлатларида ҳам бўлганлиги ҳақида дадамдан эшитгандим. Отам сираям уруш ҳақида гапирган эмас. Мен бобомнинг маҳмадона набираси эмасманми, бир-икки маротаба саволга тутганимни эслайман: «Ота, урушда бўлганми-сиз?», «Ота, фашистлар ёмон одамлар экан-а?!» бу саволларим доим жавобсиз қоларди. «Ота, сиз ҳам одам ўлдирганми-сиз?!» Шундай лаҳзаларда отамнинг кўзларига қандайдир ғазабнок хотиралар учкунлаган бўларди-ю, менга қараб, «Хайт, сеними!» деб, ҳассасини дўқиллатиб қўярди.

Йиллар ўтди. Мен улғайдим. Бир касбнинг бошини тутдим. Лекин отам энди аввалгидек ҳасса билан юролмасди. Менга дўқ қилолмасди. Уруш заҳматини тотган инсоним, беш ўғилдан учтасини ерга кўмишга улгурган бағриқон бобожоним юз ёшни



қаршилай бошлаган бир паллада қон босими бир кўтарилди-ю, хотирасидан айрилди. Ана шундай кунларнинг бирида отам мени танидими ёки йўқ, ёнига чақирди-да, бир нималар демоқчи бўлди. Тушундим. Ёнига бориб ўтирдим. Шу кун отам уруш ҳақида гапирди. Сўзлари чалқаш, лекин улардан шуларни англадим; «Еттита фашистни ўлдирдим. Қанча сафдош дўстларим урушда нобуд бўлди. Уларни ҳечам унутолмайман...»

Отам хотирасидан айрилган бўлса-да, кўз олдида уруш манзаралари кино тасмасидек айланаётганини мунгли сўзларидан англадим. Ҳа, қўлда милтиқ тутиб, урушда қон кечишдан даҳшатлиси бўлмаса керак. Ватан озодлиги йўлида курашган отам сингари қанчадан-қанча юртдошларимиз урушда иштирок этишди. Кимлар қайтиб келди, кимлар эса йўқ. Отамнинг акаси ҳам урушда бедарак кетган экан. Отам охириги вақтларда акасини бот-бот эслайдиган бўлганди...

Биз, укам ва сингилларим тинчлик ва ҳурлик замонасида улғайдик. Отамнинг мункиллаб қолган гавдаси гарданида эса тинчлик учун кечилган қанча оғир кечмишлар борлигини йиллар ўтиб, теранроқ англаб боряпман. Бунинг учун сизга раҳмат, менинг меҳрибон, довюрак бобожоним!!!

Шоҳиста ОРТИҚОВА



# БИР СИҚИМ ТУПРОҚ БЎЛ, ВАТАН ОЛДИДА!

## ҲАММАНГИЗДАН УЗОҚ ЯШАДИМ...

Дунё қотди бешамолликда.  
 Ҳаёт... баттар тортмасин деб дим,  
 Бош кўтардим окопдан тикка:  
 — Ҳаммангизни, душман, кечирдим!  
 Меҳру шафқат шамоли эсди,  
 Ғаш ариган менинг кўнглимдан.  
 Кечирдим-у, мен баланд ўсдим,  
 Қуролни ҳам отдим қўлимдан.  
 Кечиримсиз яшайсиз бунча!  
 Ўқ отилди. Ҳаво тортди дим.  
 ...Ўқ бағримни тешиб ўтгунча,  
 Ҳаммангиздан узоқ яшадим.

Усмон АЗИМ, Ўзбекистон халқ шоири

## ВАТАН ОЛДИДА

Шонли армиямнинг мағрур ўғлони,  
 Енгилмас тоғ бўлгин, Ватан олдида.  
 Ёвларни йўлатмас ўзбек посбони,  
 Ҳар қачон уйғоқ бўл, Ватан олдида!  
 Дахлсиз чегаранг, муқаддас макон,  
 Лочин парвозига ярашар осмон,  
 Бургутдек сергак тур — оловтан қалқон,  
 Самода чакмоқ бўл, Ватан олдида!  
 Бошингни баланд тут, қўлингда Ҳумо,  
 Истиқлол нурини айла тўтиё,  
 Она халқ болам деб қилгайдир дуо,  
 Музаффар байроқ бўл, Ватан олдида!  
 Армиям қудрати, шавкати, шони,  
 Адолату тинчлик аҳду паймони,  
 Буюк Мудофаанинг сергак посбони,  
 Мангулик маёқ бўл, Ватан олдида!  
 Юрт учун жон берган ўғлонлар ҳаққи,  
 Алпомиш, Темурбек — дostonлар ҳаққи,  
 Онанг эккан гулу райҳонлар ҳаққи,  
 Бир сиқим тупроқ бўл, Ватан олдида!

Кичик сержант Бекзод ЙЎЛДОШЕВ

## ҚАЕРДАКИ КИТОБ ЁҚИЛСА, КУН КЕЛИБ ЎША ЕРДА ИНСОН ҲАМ ЁҚИЛАДИ...

...Адабиёт чин мағноси ила ўлган, сўнган, қораланган, ўчган, мажруҳ,  
 ярадор кўнглига руҳ бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қараб  
 сингишган қора балчиқларни тозалайдиргон, ўткир юрак кирларини ювадургон  
 тоза мағрифат суви, хиралаган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладиргон  
 булоқ суви бўлгонлигидан бизга гоят керакдир...

\*\*\*

Қўлга тушганини эмас, обдан танлаб — саралаб ўқинг. Дид ва  
 тафаккурингизни тарбияланг.

ЧЎЛПОН

ТУРГЕНЕВ

## ДЕСАНТЧИЛАР ҚЎШИҒИ

Парвоз қилган самоларда қушларингиз,  
 Ортга қайтмас олов каби кучларингиз,  
 Ҳаловатинг, осойишта тушларингиз,  
 Ватан, ботир ўғлонингиз, десантчилар,  
 Кўклардаги посбонингиз, десантчилар.

Минг чақирим юқоридан сени ўйлаб,  
 Юрак тўла қувонч бир-ла сени сўйлаб,  
 Қўриқлаймиз онам дея жўшиб кўйлаб,  
 Ватан, нурли осмонингиз, десантчилар,  
 Сени асрар қўрғонингиз, десантчилар.

## Нақарот

Десантчилар, кўкси қалқон, десантчилар,  
 Десантчилар, жасур посбон, десантчилар.

Кўкда учиб, самолардан сакрар чоғда,  
 Меҳринг асрар ҳар йигитни, қолмас доғда.  
 Буюклигинг ҳис қиламиз ҳар сабоқда.  
 Ватан, кўкда султонингиз, десантчилар,  
 Самодаги мужгонингиз, десантчилар.

От йигитнинг қанотидир, дер азалдан,  
 Парашютдир бизга қанот, доим ҳамдам,  
 Тинчлигингга камарбаста бўлиб ҳар дам,  
 Кеча-кундуз ҳушёрингиз, десантчилар,  
 Тунлар бедор ўғлонингиз, десантчилар.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар  
 Иномжон РАҲИМОВ

## ЙИҒЛАТМАГИН ЭНДИ, ЭЙ ҲАЁТ...

Мен келгандим дунёга йиғлаб,  
 Сен йиғлама, қалбимни тиглаб,  
 Яша доим кўнглингни чоғлаб  
 Барин айтсам, бўлар бир баёт,  
 Йиғлатмагин энди, эй ҳаёт.

Умрим, гўзал бир афсонасан,  
 Бизга ғамхўр ота-онасан,  
 Дунё — ўзи битта хонасан,  
 Меҳрин берар, гоҳ бегона-ёт,  
 Йиғлатмагин энди, эй ҳаёт.

Сен ҳақингда эзгу ўй сурай,  
 Гоҳо тикан, гоҳо гул терай,  
 Тортиб олма, мен ўзим берай,  
 Бахтга тўлиб яшайлик, ҳайҳот,  
 Йиғлатмагин энди, эй ҳаёт!

Севара НУРМАТОВА

\*\*\*

Ҳамма нарсани ўқийвериш ярамайди, дилда туғилган саволларга жавоб  
 бера оладиган китобларнигина ўқиш керак.

Лев ТОЛСТОЙ

\*\*\*

Мен доимо жаннат кутубхонага ўхшаган жой бўлса керак, деб ўйлайман.  
 Жорж Луис БОРХЕС

\*\*\*

Кичкина бўлса ҳам, боғинг ва кутубхонанг бўлса — сен бошқа ҳеч нарсага  
 муҳтож эмассан.

ЦИЦЕРОН

Қаердаки китоб ёқилса, кун келиб ўша ерда инсон ҳам ёқилади.

Генрих ГЕЙНЕ



# РЕКОРД ЯНГИЛАНГАН МУСОБАҚА

Пойтахтимизда енгил атлетика бўйича Геннадий Арзуманов хотирасига бағишланган халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш марказининг (MVSM) етакчи атлетлари ҳам қатнашди ва аксарияти совриндорлар сафидан жой олди.



Дўсанова бу галги мусобақада 1.85 метр натижа қайд этди ва халқаро турнирнинг кумуш медалига сазовор бўлди. Наҳданинг асосий рақобатдоши ҳисобланган Светлана Радзивил эса бу сафар баландликка сакраш бўйича 1.90 м натижа қайд этди ва аввалдан қутилганидек халқаро турнирнинг ғолиблигига эришди. Уч карра Осиё ўйинлари ғолибига (2010, 2014, 2018) айланган ва Индонезияда ўтган Осиё ўйинларида 1.96 метр натижа билан мусобақа рекордини янгилаган, шахсий рекорди эса 1.98 метр (2008 йил, Тошкент) бўлган Светлана Радзивилдан «Токио – 2020» Олимпия ўйинларида ҳам юксак натижалар кутиб қоламиз.

Халқаро турнирнинг эркаклар ўртасидаги уч хатлаб сакраш баҳслари ҳам асосан юртимиз атлетлари ва MVSM аъзоларининг ўзаро рақобати остида кечди. Яқунда MVSM вакили Ислон Сибагатуллин 16.06 метр натижа билан турнир ғолиблигига эришган бўлса, MVSMнинг яна бир аъзоси Иван Денисов (15.41 м) ҳамюртимиз Тимур Рахматуллаевдан (15.90 м) кейин учинчи ўринни эгаллади. Таъкидлаш жоиз, Тимур мусобақанинг баландликка сакраш баҳсларида ҳам қатнашиб, бу борада ғолибликка эришди.

Халқаро турнирда MVSM аъзоларидан, шунингдек, Суннат Исмоилов 100 метрга югуриш (10.71 сония, кумуш медаль), Дмитрий Мельситов баландликка сакраш (2.09 м, кумуш медаль) ва Аким Дементьев найза улоқтириш (63.62 м, бронза медаль) баҳслари бўйича совриндорлар сафидан жой олди. Аёллар ўртасидаги узунликка сакраш баҳсларида эса MVSM вакили Дарья Резниченко энг яхши (6.64 м) натижа кўрсатиб, ғолибликни нишонлади.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон вакиллари иштирок этган мусобақада атлетлар бажарилган норматив орқали XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма олишлари ҳам мумкин бўларди. Шу боис баҳслар анча қизиқарли кечди, бироқ... якуний натижаларга кўра, ҳеч бир атлет Олимпиада нормативини бажара олмади. Шунга қарамай пойтахтимиздаги Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси базасида кечган мусобақада бир қатор ғолиблар аҳамиятли натижаларни қайд этишди ва ўз ҳисобларига қимматли рейтинг очколарини ёзиб қўйишди. Хусусан, босқон (молат) улоқтирувчи ёш атлетимиз Зарина Носиржоновна халқаро турнирда Ўзбекистон рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Зарина кўрсатган 64.22 метр натижа ҳам ёш қизлар, ҳам аёллар ўртасида босқон улоқтириш бўйича янги Ўзбекистон рекорди сифатида қайд этилди. Ушбу дастурнинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида эса Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Сўҳроб Хўжаев босқонни 75.30 метр узокликка улоқтирди. Бу Сўҳробга халқаро турнир ғолиблиги ва олтин медални тақдим этди, Олимпия йўлланмасини қўлга киритиши учун эса... афсуски, унинг кўрсаткичи «Токио – 2020» нормативидан 2.3 метр кам бўлди.

Аёллар ўртасидаги баландликка сакраш баҳсларида асосий кураш юртимизнинг икки нафар вакили – MVSMнинг етакчи атлетларидан бири, халқаро тоифадаги спорт устаси Надежда Дўсанова ва 2019 йилнинг 13 октябрь куни Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон очик чемпионатида 1.96 метр (Токио Олимпиадаси нормативи) баландликни забт этиб, «Токио – 2020» Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритган Светлана Радзивил ўртасида кечди. Ёши жиҳатдан ҳам эндиликда катта спортдан узоклаша бошлаган MVSM вакили

## ШОҲСУПА

(хабарлар)

### ДЗЮДО



Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ҳамда ёшлар ўртасида Осиё очик кубоги баҳслари ўтказилди ва яқунда 39 нафар вакилимиз шоҳсупага кўтарилди. Дастлаб ўсмирлар ўзаро беллашишди ва Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 6 та олтин, 8 та кумуш, 11 та бронза медални қўлга киритди. Ёшлар ўртасидаги баҳсларда эса ёш дзюдочиларимиз 6 та олтин, 2 та кумуш, 6 та бронза, жами 14 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин иккинчи ўринни эгаллади.

### ТАЭКВОНДО



21-22 май кунлари Иорданияда осиелик таэквондочилар ўртасида «Токио – 2020» Олимпия ўйинлари учун лицензион турнир бўлиб ўтади. Ўзбекистон таэквондо (WT) терма жамоаси мураббийлар штаби олиб борилган йиғинлар ва сўнги мусобақалардан келиб чиқиб, ушбу муҳим мусобақада мамлакатимиз спорт шарафини MVSMнинг икки нафар вакили, яъни Улуғбек Рашитов ва Нигора Турсунқулова ҳамда ҳамюртимиз Светлана Осипова ҳимоя қилишини маълум қилди.

### ЮНОН-РУМ КУРАШИ



Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ёшлар терма жамоамиз аъзолари 5 та медални қўлга киритди. Полонларимиздан Абдорбек Нурмухаммедов (-97 кг) олтин, Абдор Атабаев (-63 кг), Жамол Жумабоев (-72 кг) ва Шаҳриёр Жўрабоев (-87 кг) кумуш, Алимардон Абдуллаев (-55 кг) эса бронза медалга сазовор бўлди.

### ШАХМАТ



Пойтахтимиздаги Халқаро шахмат академиясида ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида 34 нафар маҳоратли шахматчи қатнашди. Швейцарча тартибда ўтган турнирда ғолиблик ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторовга насиб этди. У 9 имкониятдан 8 очко жамғариб, 1-ўринни эгаллади. Ҳамюртимиз Нодирбек Ёқуббоев ҳамда қозоғистонлик Пётр Костенко эса 6,5 очкодан жамғариб ва мос равишда 2-3-ўринни эгаллади. Чемпионат якунига кўра, Н. Абдусатторов ҳамда Н. Ёқуббоев жорий йилнинг июль ойида ўтайдиган Жаҳон кубоги баҳсларида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилайдиган бўлди.

### ФУТБОЛ



Италия «А» сериясининг 37-туридан ўрин олган «Женоа» ва «Аталанта» клублари ўртасидаги учрашувда 3:4 ҳисоби қайд этилди. Иккинчи бўлимда майдонга тушганига қарамай ҳамюртимиз Элдор Шомуродов муваффақиятли ўйнаб, рақиб дарвозасини икки маротаба ишғол қилди ва учрашувдан сўнг у «жамоанинг энг яхши ўйинчиси», деб эътироф этилди.

### ОЛИМПИАДА



«Токио – 2020» Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бошланишига қарийб икки ой қолди. Халқаро Олимпия қўмитасининг маълум қилишича, айни пайтга келиб лицензияларнинг 70 фоизи ўз эгаларини топган, 5 июлгача эса барча йўлланмалар тўлиқ тақсимланади. Ўзбекистон делегацияси ҳозиргача Олимпия ўйинларига 41 та, Паралимпия ўйинларига эса 16 та йўлланмани қўлга киритган.



## НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Россияда ўтказилган бокс бўйича навбатдаги халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 8 та медални қўлга киритди. Улардан бирига Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази (MVSM) вакили Мадияр Саидрахимов сазовор бўлди.

Хабаровск шаҳрида ўтказилган бокс бўйича «А класс» тоифасига кирувчи мусобақада дунёнинг 19 мамлакатидан 150 нафарга яқин чарм қўлқоп устаси қатнашиб, ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди. Унда мамлакатимиз терма жамоасининг деярли иккинчи таркиби ва аксарият ёш боксчилари иштирок этишига қарамай, уларнинг саккиз нафари совриндорлар сафидан жой олди. Айниқса, энг оғир (+91 кг) вазн тоифасида рингга чиққан боксчимиз Лазизбек Муллажоновнинг жанглари мутахассислару мухлислар диққат-эътиборида бўлди. Лазизбекнинг ўзи таъкидлашича, Хабаровскдаги жанглари унинг учун оғир

кечган ва мураббийларнинг тўғри кўрсатмалари натижасида барча рақибларидан устун келиб, мусобақа чемпионига айланган. Шунингдек, боксчиларимиз Мироншоҳ Ибрагимов (-52 кг), Хуршид Расулжонов (-60 кг) ва Мужибилло Турсунов (-63 кг) ҳам ўз вазн тоифасидаги барча жангларида ғалаба қозониб, ушбу халқаро турнирнинг олтин медалига сазовор бўлишди.

Бутунжаҳон армия ўйинлари ғолиби оддий аскар Мадияр Саидрахимовга (-91 кг) эса Россияда бироз омад етишмади – фақат сўнги финал жангида рақибига имкониятни бой берган MVSM вакили халқаро турнирнинг кумуш медали билан тақдирланди. Шунингдек, боксчиларимиздан Соҳиб Содиқжонов (-49 кг), Жаҳонгир Раҳмонов (-69 кг) ҳамда Сўҳроб Қаюмов (-81 кг) мусобақанинг бронза медалини қўлга киритишди.

Хабаровск халқаро турнирида муносиб қатнашган боксчиларимизни Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида спорт жамоатчилиги, мамлакатимиз Бокс федерацияси аъзолари, спортчиларнинг оила аъзолари тантанали равишда кутиб олишди.



## ИРОДАДАН ЯРАЛГАН ИНСОН

# ИШБИЛАРМОЧ, ТАДБИРКОР, НАМУНАЛИ ОИЛА БЎЖАСИ



– Беш фарзанднинг онасиман. Тўрт ўғил ва бир қизим бор. Ўқитувчи бўлиш орзуим эди. Турмуш қурганимдан сўнг бирин-кетин фарзандларим дунёга келди. Ҳалиям бўлса университетда ўқиш ниятим бор. Шу орзуимга етишсам дейман... – мақолам қахрамони Зумрад опа билан илк суҳбатимиз шундай бошланган. Суҳбатдошимнинг ҳаётга бўлган интилишига, ғайрат-шижоатига ҳавасим келганди.

Бу воқеага ҳам салкам уч йил бўлибди. Ўтган йиллар давомида Зумрад опа анча ўзгарди. Уни ҳаёт, орзулари, мақсад ва режалари ўзгартириб юборди. Бугун Зумрад опани маҳаллада ҳамма хунарманд, тадбиркор аёл сифатида ҳурмат қилади, ҳавас кўзи билан қарайди.

– Тикувчилик сирларини касб-хунар қоллежида ўрганганман, – дейди суҳбат чоғида Зумрад опа. – Зардўзлик, тўқувчилик ҳам кўлимдан келади. Шунинг учун ҳарбий шаҳарчада тикув цехи очишни мақсад қилдим. Бу ҳақда турмуш ўртоғимга айтганимда у киши ҳам мени қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, имтиёзли кредит асосида 6 та тикув машинаси сотиб олдик ва 9 иш ўрнига эга «Меҳрибон» тикувчилик цехини очишга эришдик. Айни вақтда цехимизда иш қизғин. Мақсадимиз – чиройли ва сифатли кийим-кечаклар тикиб, буюртмачиларимизнинг ишончини қозониш...

«Меҳрибон» тикув цехига назар ташладим. Ҳарбий либослар, фуражка, кепка, погонлар,

шеvronлар ўз эгаларига бирин-кетин топшириляпти. Тикувчи аёллардан кимдир шижоат билан кўйлак енгини тикяпти, кимдир тугма ўрнатиш билан банд. Шошилишда келган ҳарбийнинг ўчламларини олаётган тикувчи опа ҳам ўз ишидан мамнун. Шу пайт Зумрад опанинг телефони жиринглаб қолди. «Ҳа, албатта. 35 та кўйлак, дейсизми? Ўлчамлари-чи? Бўлди, бундан ҳечам ташвишланманг. Тикувчиларимиз тажрибали». Зумрад опа янги буюртма олганди. Энди иш янаям қизийди. Иш орасида тадбиркор аёлни суҳбатга тортман.

– Цехимиз икки йилда анча-мунча буюртмачига эга бўлиб улгурди. Турмуш ўртоғим тўйимиз санаси муносабати билан тўртта тикув машинасини ҳада қилди. Натижада цехимизга яна ишчилар олдик. Ҳозир 14 та ишчи кучига эгамиз. Шеврон ва погонларга эҳтиёж юқори бўлгани учун яқинда компьютерлаштирилган чокли тикув машинасини саксон миллион сўмга кредит асосида сотиб олдик. Бу тикув машинаси учун ҳам махсус ишчимиз бор. Аллоҳга шукр, секин-аста фаолиятимиз орқали яхши натижаларга эришяпмиз. Ҳарбий либосларимиз Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларига етказиб берилмоқда. Сизга бир гапни айтаман, мен то тикув цехини очганимизга қадар ҳарбий либос тикишни билмас эдим... Лекин буни қарангки, айнан ҳарбий либосларга талаб юқори экан. Ҳамма ҳам ҳар-

бий либосни тиколмагани боис, бирин-кетин цехни тарк этиб кетишди. Шундай оғир дамда умр йўлдошим менга кўмак берди: қорақалпоғистонлик машҳур ҳарбий либос тикувчи Отабек оғани цехимизга олиб келди. Шундай қилиб мен бу инсондан ҳарбий либослар тикиш бўйича барча сир-асрорларни ўргандим ва ишчиларга ҳам ўргатдим. Тикувчиларимизнинг ҳаммаси ҳарбийларнинг турмуш ўртоқлари. Баъзиларининг тикувчиликдан умуман хабари йўқ. Лекин мен иш сўраб келганларни умидсиз қайтаришни хоҳламайман. Уларни ишга олиб, тикувчиликни ўргатаман. Ахир ўзим ҳам ҳарбий либос тикишни нолдан бошлаганман-ку. Шундай экан, улар ҳам буни уддалашига кўзим етади.

Аёлнинг сўзларини эшитиб, ҳайратим ортди. Чунки менинг қаршимда бундан уч йил олдинги содда аёл ўрнида ўзига ишонган, эртанги кундан умидлари улкан ишбилармон ва тадбиркор аёл турарди. Ҳа, Зумрад Гаипованинг эзгу мақсадлари амалга ошди. У бугун Хунармандлар уюшмаси аъзоси. Айни пайтда нуқуслик кам таъминланган ва иш билан банд бўлмаган аёлларга «Устоз-шогирд» анъаналари асосида тикувчилик сирларини ўргатиб келмоқда. Меҳнати, шижоати, сабру матонати билан ҳаётда ўрин топган Зумрад Гаипова сингари тадбиркор аёлларимиз сафи кенгайверсин.

**Шоҳиста АБДУРАҲМОҶОВА**  
Нуқус шаҳри

## МЕҲР-САХОВАТ

## МУРҒАК КЎНГИЛЛАР РУҲЛАНДИ

*Меҳр-мурувват, саховат ва биродарлик инсон зийнатидир. Меҳр ва эътиборга муҳтожларга кўмак бериш олижаноблик фазилатлари сирасига киради. Ҳаётнинг аччиқ қисмати туфайли ривожланишдан орқада қолаётган болажонлар учун давлатимиз томонидан катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда.*

Қолаверса, бу борада ҳарбийлар ҳам уларга ўз инсонпарварлик ёрдамларини бериб келмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази ҳарбий хизматчилари Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-махсус мактабда хайрия тадбирини ўтказишди.

Курсантлар томонидан қўл жанги чиқишлари намойиш этилди ҳамда болажонлар эътиборига қурол-аслаҳа кўргазмаси ташкил қилинди. Ўз навбатида болажонлар ҳам меҳмонларга Ватан, дўстлик, ота-она ҳамда меҳр-мурувват ҳақидаги шеърларини айтиб, йиғилганларни хушнуд қилди.



Ташриф сўнгидан марказ қўмондонлиги томонидан болажонларга спорт жиҳозлари ва бадий китоблар тўплами ҳамда ўқув қуроллари совға қилинди.

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи,  
оддий аскар Хайрулло ЎЛМАСОВ**



# НОВЫЕ ВОЕННЫЕ РАЗРАБОТКИ

Китайская авиапромышленная группа HAIG представила новый легкий боевой (учебно-боевой) самолёт L-15B – модифицированный вариант учебно-боевого самолёта L-15 (JL-10). По сообщениям военных СМИ, двухместный самолёт L-15B предназначен для использования в качестве легкого истребителя-штурмовика и учебно-боевого самолёта. Он имеет 11 точек подвески для вооружения, на нём установлена также радиолокационная станция с пассивной фазированной антенной решеткой.

\*\*\*

Нигерийская государственная корпорация DICON продемонстрировала свой новый броневый автомобиль Ezigwu («Гора») с усиленной противоминной защитой (MRAP). По оценкам специалистов компании, эта машина в состоянии выдержать подрыв под колесом мины или самодельного взрывного устройства с массой взрывчатого вещества до 12 кг (в тротиловом эквиваленте) и 6,75 кг – под днищем бронекорпуса. Всего нигерийские вооруженные силы планируют приобрести 130 броневых автомобилей данного типа.

\*\*\*

В Шанхае спущен на воду очередной, пятый эскадренный миноносец проекта Тип 055, построенный для ВМС НОАК. Его водоизмещение свыше 10 000 тонн, длина 180 метров, ширина 20 метров. Корабль оснащен китайской системой управления оружием, аналогичной американской «Иджис». На нем планируется разместить также пусковые установки общей вместимостью 128 ракет различного типа, одно 130-мм артиллерийское орудие и несколько артиллерийских установок меньшего калибра. На корабле имеется ангар для двух вертолетов и площадка для них. Эсминцы данного типа, построенные с применением стелс-технологий, оснащены газотурбинной силовой установкой мощностью порядка 100 МВт, что позволяет использовать на них лазерное оружие.

\*\*\*

В Индии спущен на воду головной фрегат нового проекта 17A, передача которого ВМС страны запланирована до 2023 года. Корабль разработан специалистами итальянской компании «Финкантьери» по контракту с индийским военным ведомством. Основные тактико-технические характеристики корабля: длина 149 метров, ширина 17,8 метра, водоизмещение 6 673 тонны, максимальная скорость хода 29 узлов, дальность плавания 5 500 миль на скорости 18 узлов или 1 000 миль при 28 узлах, экипаж состоит из 226 человек.

\*\*\*

Специалисты южнокорейского предприятия «Ханхва-Теквин» представили первую 155-мм самоходную гаубицу (СГ) К9 «Тандер», разработанную и произведенную в рамках контракта с Норвегией. Согласно данному документу, компания поставит норвежской армии 24 самоходные гаубицы К9 нового производства и шесть бронированных машин транспортировки боеприпасов К10, боеприпасов, тренажеров и сопутствующего оборудования, а также

проведет обучение персонала самоходок. Масса СГ К9 «Тандер» 47 тонн, скорость до 67 км/ч, запас хода 480 км, скорострельность 15 выстр./мин, экипаж 5 человек, дальность стрельбы свыше 40 км.

\*\*\*

Американский спецназ получит на вооружение 650 новых автомобилей на базе «Шевроле Колорадо», который способен перевозить до девяти бойцов с полным снаряжением. По данным разработчиков, на машине установлен 2,8-литровый дизельный двигатель мощностью 186 лошадиных сил, скорость движения по шоссе 160 км/ч и по бездорожью – 100 км/ч. Масса и габариты этого транспортного средства позволяют перебрасывать его на вертолетах UH-60 и CH-47.

\*\*\*

В Турции представлен прототип полуавтоматической снайперской винтовки DKM, разработанной местными специалистами. Ее эффективная дальность стрельбы 1 300 метров, максимальная дальность – 3 500 метров, масса 6 килограммов. Винтовку могут одинаково удобно использовать как правши, так и левши, причем в любых климатических условиях – от пустынных до арктических. Прототип построен в рамках реализации программы, направленной на создание национальных образцов вооружения на собственной научной и промышленной базе.

\*\*\*

Специалисты японской национальной корпорации разработали роботизированный комплекс, способный вести поиск морских мин и передавать информацию о них на корабль-носитель. Согласно заявлению разработчиков аппарата, его длина составляет 5 метров, 0,69 метра, масса 90 килограммов, скорость перемещения под водой 41 узел, глубина погружения до 3 000 метров и автономность плавания 24 часа.

\*\*\*

Военно-морские силы Франции в ближайшее время получат на вооружение новый палубный разведывательный беспилотный вертолет (БПЛА) типа VSR700, разработанный местными специалистами. Новое боевое средство может находиться в воздухе до 9 часов без подзарядки. Дальность его полета 185 км, грузоподъемность 250 кг, длина 6,3 м, максимальная скорость 160 км/ч. Демонстрационные полеты беспилотника с палубы корабля намечены на 2021 год.

\*\*\*

Американские специалисты разрабатывают патрон калибра 6,8 мм, который должен заменить стандартные 5,56-мм боеприпасы из-за неспособности последних пробивать новые российские и китайские бронежилеты. По замыслу разработчиков, новый патрон вместит большее количество пороха, что создаст в нем более высокое давление и приведет к увеличению скорости пули, достаточной для разрушения стальной, керамической и другой брони.

Подготовил П. САЙДИВАЛИЕВ

## ЭСТОНИЯДА ҲАРБИЙ МАШҚЛАР



НАТОга аъзо мамлакатларнинг ҳар йили ўтказиладиган «Баҳорги пўртана» номли ҳарбий машқлари жорий йилнинг 17 майдан 5 июнигача Эстонияда бўлиб ўтади.

Эстония Мудофаа кучлари бош қўмондонлиги матбуот хизмати хабарига кўра, унда Эстония вакиллари ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Латвия, Польша, Италия, Франция ва Даниядан 7 мингга яқин ҳарбий иштирок этади. Ўтган йилдагига ўхшаб, бу йил ҳам ҳарбийлар орасида коронавирус тарқалиб кетмаслиги учун машқлар қисқартирилган форматда ўтказилади.

## АДОЛАТ БИЛАН ТАҚСИМЛАШ



ЖССТ раҳбари Тедрос Гебреисус дунё мамлакатларини вакциналарни адолат билан тақсимлашга чақирди. «Юқори даромадли мамлакатлар аҳолиси дунё нуфусининг 15 фоизини ташкил этади, бироқ дунёда ишлаб чиқариладиган вакциналарнинг 45 фоизи улар қўлида. Паст ва ўртача даромадли мамлакатлар дунё аҳолисининг ярмини ташкил этади, лекин улар ҳиссасига атиги 17 фоиз вакцина тўғри келади. Яъни ўртадаги фарқ жуда катта», деди у Парижда бўлиб ўтган тинчлик форумида уюштирилган онлайн-мунозарада.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## МАЪМУРИЯТ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНДИ



АҚШ Президенти Жо Байден маъмурияти Исроилга умумий қиймати 725 миллион долларни ташкил этувчи юқори аниқликдаги қурол ва ҳарбий воситалар тўплами сотилишини маъқуллаган ва бу борада конгрессга маълумот берган. «The Washington Post» нашри маълумотига кўра, бу ерда гап ўта аниқ нишонга олувчи ва бошқарилган тарзда эркин ҳаракатланувчи бомбаларнинг JDAM (Joint Direct Attack Munition) тўплами ҳақида бормоқда. Мазкур тўплам «Boeing» компанияси томонидан ишлаб чиқарилади.



ВАТАНПАРВАРЛИК

# ҲАРБИЙ АНЪАНА ВА МАРОСИМЛАР

Тарих шуни кўрсатадики, ҳарбий анъана ва маросимлар Қуролли Кучлар фаолиятида муҳим тарбиявий ўрин эгаллаган ва эгалламоқда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий-жанговарлик фазилатларини шакллантиришда, ҳарбий жамоаларни бирлаштиришда, ҳарбий шерикликни ривожлантиришда, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим элемент сифатида хизмат қилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳарбий анъаналар – тарихдан армияда шакланган, жанговар вазифаларни бажариш, ҳарбий хизмат, шахсий таркибни тайёрлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва яшаш тарзи билан боғлиқ бўлган авлоддан авлодга ўтадиган ғоя, қоида, урф-одат ва хатти-ҳаракатлар меъёрларидир. Улар ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш ва ўқитишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу билан бирга, улар ҳарбий хизматчилар учун ҳар қандай тантанали, мотам ва бошқа маросимларни ўтказишда ўзини тутиш шакли сифатида ҳамда анъаналарни мустаҳкамлаш ва тарқатиш учун хизмат қилади.

Ҳарбий маросимлар эса ҳарбий муносабатларни учта асосий: жанговар, ўқув-жанговар ва кундалик фаолияти соҳаларини қамраб олади.

Жанговар фаолиятнинг ҳарбий маросимларига қуйидагилар киради: Ватанга қасамёд қабул қилиш, жанговар байроқни топшириш, қурол-яроғ ва техникани бириктириш, мукофотларни топшириш, қаҳрамонларни шарафлаш.

Ўқув-жанговар тайёргарлик қуйидаги ҳарбий маросимларни ўз ичига олади: жанговар ихтисосликка киритиш, жанговар навбатчиликка тушиш, қоровуллар тарқатувини ўтказиш ва алмаштириш, саф кўриги, тантанали юриш, қисмда умумий кечки йўқлама.

Кундалик фаолиятнинг маросимларига қуйидагилар киради: давлат байроғини кўтариш ва тушириш, парад, ҳарбийча саломлашиш, ёш офицерларнинг таҳсил олиши, фахрийларни ҳурмат қилиш, фахрий меҳмонларни кутиш, салют ўтказиш.

Барча мамлакатларда ҳарбий анъана ва маросимлар фаол равишда тарғиб қилинмоқда, уларнинг мазмуни ва тартиби, қоида тариқасида, дунёнинг турли хил армияларида

Сурат тахририят архивидан олинди



тегишли низом, кўрсатмалар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмат низомида Ватанга қасамёд қабул қилиш, ҳарбий қисмларга жанговар байроқ ва орденларни топшириш, ҳарбий қисмнинг ташкил топган кунини нишонлаш, муддатли ҳарбий хизматга тақсимлаш, қурол-яроғ ва ҳарбий техникани шахсий таркибга топшириш, ҳарбий хизматчилар билан сўровнома ўтказиш, нафақага чиққан ҳарбий хизматчиларни кузатиш ҳарбий маросимлар сифатида белгиланган.

Бунда шахсий таркибнинг Ватанни ҳимоя қилишга маънавий ва психологик тайёрлиги, ғурур ва масъулиятни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш, Ватанга қасамёднинг муқаддаслиги ва дахлсизлигини англатиш, ҳарбий хизматчиларда ҳарбий бурчни бажариш учун зарур бўлган жасорат, чидамлик, топқирлик, ҳушёрлик, ҳарбий шериклик ҳисси ва ўзаро ёрдам каби фазилатларни ривожлантиришнинг муҳим вазифалари командир зиммасига юклатилган. Ушбу мақсадда, у бошқа воситалар билан бир қаторда ҳарбий маросимлардан фаол фойдаланиши зарур.

Қўшинлар фаолиятининг асосий соҳаларини қамраб олган ҳарбий анъана ва маросимлар бир-биридан ажралиб турмайди, улар чамбарчас боғлиқдир.

Ҳарбий анъана ва маросимлар жангчининг шахсига мураккаб, таъсирчан бирликда ишлайдиган ижтимоий функциялар орқали таъсир қилади. Ҳар бир функция уларнинг



ягона тизимдаги ўрни, ғоявий-сиёсий мазмуни, мақсади ва ҳарбий маросимларнинг шакли билан белгиланади.

Шундай қилиб, ҳарбий анъана ва маросимлар қадимги даврларда пайдо бўлиб, жамият ва унинг Қуролли Кучлари ривожланишининг турли оғир синовларидан ўтиб, ҳар сафар янги мазмун касб этиб борган. Уларнинг аксарияти умуммиллий характерга эга бўлиб, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси Ватан ҳимоячиларида юксак ахлоқий-жанговар фазилатларни шакллантиришда самарали воситага айланди.

**ШУҲРАТ ШАКИРОВ,**  
ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА



Туркменистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Жумладан, куни кеча Туркманбоши халқаро денгиз портига «Озарбайжон» юк кемаси етиб келди. Ушбу замонавий кема 2020 йилда «Озарбайжон Каспий денгиз кемачилиги» компаниясининг кемасозлик заводида қурилган бўлиб, йўловчилардан ташқари, темир йўл ва автомобиль транспортларини ҳам ташишга мўлжалланган. Узунлиги 154 метр келадиган кеманинг юк кўтариш имконияти 5,54 минг тоннани ташкил этади.

ЁШ ЁЗУВЧИНING МУВАФФАҚИЯТИ



Ўзбек ижодкорлари орасида жаҳон миқёсида тан олинаётган ёшлар ҳам кўпайиб бормоқда. Жумладан, қашқадарёлик ёш ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг «Қўрқма» романи Афғонистонда ҳар йили маҳаллий ва хорижий ижодкорларга бериладиган «Олтин қалам» мукофотиغا сазовор бўлди. Афғонистон маданият вазири Муҳаммад Тоҳир Зоҳир ва «Олтин қалам» академияси раиси Нажибуллоҳ Аналий ёш ёзувчига берилган юксак мукофотни Кобул шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси вакиллари топширди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ



Қирғизистоннинг Чўлпон-ота шаҳрида жойлашган Чингиз Айтматов номидаги «Рух ордо» маданият марказида Президент Садир Жапаров иштирокида «Issyk-Kul ITF-2021 «I am nomad» Ис-сиққўл халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. 2016 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур йирик ярмарканинг бу йилги тақдиротида маҳаллий туроператорлар, шунингдек, Туркия, Венгрия ва Ўзбекистоннинг сайёҳлик компаниялари ўз маҳсулотларини тақдим этди.

МИНТАҚАДА




## ТАРИХНИНГ ЖАНГОВАР ЛАВҲАСИ

Хонликлар даври, улардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ўзаро алоқалар, ўша давр кишиларининг турмуш тарзи тарихчиларни мунтазам қизиқтириб келади. Бу мавзуларда жуда кўп илмий изланишлар қилинган. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Чунки тарихнинг бу қисмида ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган жиҳатлар талайгина. Биз сўз юритмоқчи бўлаётган Қўқон хонлигидаги мунтазам қўшин тарихи, унинг вужудга келиш омиллари ва шаклланиш жараёнига боғлиқ тафсилотлар ҳам жуда кам.

XIX аср бошларига келиб Қўқон хонлиги Марказий Осиёдаги муҳим стратегик аҳамиятга эга ҳудудга айланиб қолгани боис ички ва ташқи сиёсат олиб боришда мунтазам ҳарбий қўшин тузиш зарурати кўзга яққол ташланиб қолади. Бу даврга қадар хонликда мунтазам армия бўлмаган. Жанговар ҳаракатлар бошланиш эҳтимоли юзага келганда, Қўқон хони бекликлардан «тартибсиз тўда»ни ифодаляйдиган, мунтазам ҳарбий интизомга амал қилинмайдиган ва заиф ташкилий тузилишга эга кўнгилилардан иборат қўшин тўплаган. Бу қўшинни жанг учун яроқли деб бўлмас-

## НАВКАРИЯ – ҚЎҚОН ХОНЛИГИДАГИ МУНТАЗАМ ҚЎШИН



ди. Чунки ушбу йиғма қўшин яхши қуролланмаган ва такомиллашмаган, ҳарбий тайёргарликка эга бўлмаган. Бундан ташқари, қўшин кайфиятини ҳар доим ҳам хонга ҳамфикр бўлавермайдиган маҳаллий қабила беклари белгилаб берган.

Қўқон хонлигини 1798–1809 йилларда бошқарган Олимхон буни ўз вақтида англайди. У 1805 йилда хонлик тарихидаги дастлабки мунтазам қўшинни тузади. Шу боис Олимхон Қўқон хонлиги қўшини ислохотчиси сифатида ҳам тарихда қолади. Бу қўшин «навқария» деб аталиб, асосан тоғликлардан таркиб топади ва 10 минг

кишини бирлаштиради. Қўшин эса ўша давр учун замонавий ҳисобланган ўқотар қуроллар билан таъминланади.

Олимхоннинг укаси Умархон ҳукмронлиги даврида қўшин сони 12 минг аскарга етказилади. Худоёрхон даврига келиб эса қўшин Усмонлилар давлатида тайёрланган анча такомиллашган милтиқ (винтовка) билан ҳам таъминланади.

XIX асрнинг 30–40-йилларига келиб хонлик армиясидаги аскарлар сони 30 минг кишига етади. Хонликнинг меҳнатга яроқли барча эр-каклари ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин бўлган. Қўшинда хизмат ўтаётган ота вафот этса ёки ҳарбий хизматга яроқсиз бўлиб қолса, унинг ўрнига ўғли чақирилган. Оиланинг ёлғиз эраки хизматга олинмаган.

Хонликда мунтазам қўшиндан ташқари қилқуй-руқ, қорақозон ва қорачерик деб аталувчи номунтазам қўшин ҳам сақлаб қолинган. Улар ёрдамчи бўлинма ҳисобланиб, уруш ёки тинчлик даврида мунтазам қўшин билан баравар хизмат ўтаган. Номунтазам қўшинга эҳтиёж бўлмаган кезларда эса улар тарқатиб юборилган.

**Шухратжон САЙТБОЕВ,**  
тарих фани ўқитувчиси

## ҚУВНОҚ СТАРТЛАР

## БАХТИЁР ЛАҲЗАЛАР УЧУН

Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги 3-сонли мактабгача таълим ташкилотида «Ўзбекистон ёшларни севади!» шиори остида «Қувноқ стартлар» мусобақаси ўтказилди.

«Бургутлар» жамоаси ғолиб бўлган беллашув иштирокчиларига Ўзбекистон ёшлар агентлиги туман бўлими, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хазорасп автомобиль мактабининг эсдалик совғалари топширилди.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг шўх-шодон кулгиси, самимий олқишлари тадбирдан кейин ҳам узоқ вақтгача давом этди. Шундай бахтиёр лаҳзалар тадбир ташкилотчиларига куч-ғайрат бағишлади, уларни янги марралар сари чорлади.

**О. ЭГАМОВ**

## ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

## БОЛАЛАРДА ЖАВОБГАРЛИК ХИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Одатда ёнғин чиқиши инсонларнинг очиқ оловдан фойдаланишда эҳтиётсизликлари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилмасликлари, электр сими ва жиҳозларидан нотўғри фойдаланишидан келиб чиқади. Мазкур ҳодисаларга болаларнинг шўхлиги ёки назоратсиз қолдирилиши ҳам сабаб бўлмоқда.

Ёз бошланишига, болажонларнинг узоқ муддатли таътилига санокли кунлар қолди. Шунинг учун ҳам ўғил-қизларимизни қаровсиз қолдирмаслик масаласи янада долзарб ҳисобланади. Биз – катта ёшдагилар уларга олов билан боғлиқ уй юмушларини буюрмаслигимиз, электр розеткалар тешиклари махсус пластик қопламлар билан беркитиб қўйишимиз, болаларга ҳеч бўлмаса, ёнғин хавфсизлигининг энг оддий қоидаларига риоя қилишлари юзасидан доимо тушунчалар беришимиз лозим. Шунингдек, болалар ёнғин пайтида олов билан бирга тутун ҳам ҳаёт учун хавф туғдиришини, аланга ва тутун қоплаган жойдан ташқарига эгилиб ёки эмаклаб чиқиш кераклигини, иложи бўлса, кийимни хўллаб олиши ҳамда бошини хўл мато билан беркитиши лозимлигини билишлари керак. Унутманг, хонада газ ҳиди сезилса, чироқ ва учқун чиқарувчи мосламалардан фойдаланиш асло мумкин эмас! Бундай ҳолда дарҳол хонани шамоллатиш чорасини кўриш, газ жўмраги орқали газ ўчирилгандан сўнг ҳам газ ҳиди пайқалса, бу ҳақда «104» телефон рақами орқали газ хизматига хабар бериш керак.

Фарзандлар – келажагимиз пойдевори. Барча ота-оналар болаларнинг ёзги дам олиш мавсумининг ҳар жиҳатдан кўнгили ва маданий ҳордиқ чиқариш билан ўтказишлари учун масъуллар. Асосийси, болаларда жавобгарлик ҳиссини шакллантириш ҳам бурчимиздир.

**Подполковник Зокир КЕНЖАЕВ,**  
Тошкент гарнизони ёнғин назорати инспекцияси бошлиғи

## САЙЁР ҚАБУЛ

Халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш, уларнинг дардларини тинглаш, муаммоларини имкон даражасида жойида ижобий ҳал қилиш масаласи бугун ҳар бир давлат органи вакили олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

## ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА – ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ



Президентимизнинг шундай олий мақсад йўлидаги тегишли топшириқлари асосида Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков ташаббуси билан Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани, Хумсон шаҳарчасида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари Сарвар Мухитдинов масъул идора вакиллари билан биргаликда Чирчиқ гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда ҳарбий пенсионерлар билан оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда бўлган фуқароларнинг уй-жой ажратиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, кредит олиш, контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ва бошқа масалалар юзасидан мурожаатлари тингланиб, жойида ҳал қилиш чоралари кўрилди. Ҳал этилиши муддат талаб қилинадиган мурожаатлар ижроси назоратга олинган ҳолда тегишли муассасаларга юборилди.

Яқунда хизмат вазифаларини бажариш вақтида вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 нафар марҳум ҳарбий хизматчининг оила аъзоларига совға ва бошқа турдаги зарур буюмлар тақдим этилди.

**Адлия подполковниги Алишер ҚУРБОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси



## BOLAJON



## BOLARI VA PASHSHA

Bir pashsha qir tarafdan uchub kelmoqda o'lan arini ko'rub:

«Do'stim, qaydan kelursan?» dedi. Ari: «Qirdan kelurman. Biroz bol yig'dim. Uya yasamoq uchun mum ham hozirlab keldim», dedi. Pashsha: «Oh, birodar! Bir boshing uchun muncha harakat qilursan! Nima bo'lurki, san ham man kabi rohatda yashasang. Chunki mening yashamog'imda hech bir mashaqqat yo'q. Insonlar tarafindin hozirlangan dasturxonlardan har xil taomlarni yeb-ichib umr o'tkarurman. Ba'zi vaqtlarda sani yasagan bolingdan ham to'yganimcha yerman. Mana! Yashamoq mana! Umr kechurmoq uchun olamda mundan yaxshi turmush bo'lurmu? Na manda bol hozirlamak mashaqqati va na uya solmoq kulfati bor», dedi. Ari bu so'zlarga javoban dediki:

«Oh, do'stim! Bu sani turmushing o'z boshingdan beri kelmasun. Mashaqqatsiz taomda lazzat bo'lurmu!

Insonlar sani sufradan quvarlar, urarlar, o'ldirurlar. San olamda o'g'rilar kabi umr o'tkarursan. Oxirda bir o'rgimchak luqmasi bo'lmoqdan boshqa bir narsaga yaramassan. Ammo maning tayyorlagan mumim hamma ibodatxonalarni yorutar. Bolim dunyoning hamma yerinda maqbuldir. Insonlarning og'izlarini totli qilur. Shu sababli insonlar o'zlari mani tarbiya qilurlar va har yerda mani maqtarlar, dedi-da, qo'y birodar, mani ishim ko'p, san ila behuda so'zlarni so'zlashib tururga vaqtim yo'q», deb uchib ketdi.

Hissa: mehnat oxiri rohat, yalqovlik oxiri xorlikdur.

Abdulla AVLONIY

## O'ZBEKISTON

Go'zalsan har diyordan,  
Tuproq'i zar, marjonim.  
Alishmasman dunyoga,  
Ona O'zbekistonim.

Obi zam-zam suvlaring,  
Gul-chechaklaring xushbo'y.  
Shoirlarning ilhomi  
Dunyo uzra cho'zar bo'y.

Noming aytgan zahoti  
Dilga g'urur to'ladi.  
Bag'ringda hur avlodlar  
Senga tirkak bo'ladi.

Ruxsora QOBULOVA,  
251-maktabning 5-sinf o'quvchisi

## Hikmatlar xazinasi

RANGLAR  
JILOSI

Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.



РАҒБАТ

# ИККИ ҲАМКАСБИМИЗ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасидаги «Шон-шараф» музейида «Уруш хотираларда» республика ижодий ишлар кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда мудофаа вазири генерал-лейтенант Баходир Қурбонов, Ўзбекистон Бадиий академияси

раиси Акмал Нуриддинов Иккинчи жаҳон уруши майдонларида ҳамда машаққатли меҳнат фронтида мардлик ва жасорат кўрсатган барча юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг номларини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мазкур танлов ҳам ўзбек халқининг буюк ғалабага қўшган ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уруш оқибатларини ёдда тутишга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбирда айтилганидек, ранг-таъвир, рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати, баён, иншо, эссе ва ҳикоя йўналишларида ўтказилган танловга 300 нафарга яқин ижодкорнинг 600 дан ортиқ иши тақдим этилди. Ушбу танловга топширилган материаллар ва музей экспонатлари асосида «Хотиралардан ўрин олган тарих» китоби нашр этилади.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолисона ва адолат мезонлари асосида сараланган ижодий ишлар муаллифларига диплом ва қимматбаҳо совғалар оркестр садолари остида топширилди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, П. Бенков номидаги Республика Рассомлик мактаби ўқитувчиси Ҳасан Эгамбердиев танловдаги энг олий мукофот – Гран-прига сазовор бўлди.

Тақдирланганлар орасида эссе ва ҳикоя йўналишларида Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» бирлашган тахририяти мухбирлари – ҚК хизматчиси Зулфия Юнусова ҳамда лейтенант Дилшод Рўзиқуллов ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди. Ҳар икки ҳамкасбимизнинг келгуси фаолиятларида ҳам ижодий зафарлар ёр бўлишни тилаб қоламиз.

ТАХРИРИЯТ



III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ

VATANPARVAR

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУДОФАА  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор  
Аҳрор Очиллов

Навбатчи:

лейтенант  
Бобур Элмуродов

Саҳифаловчилар:

Нодирабегим Валиева  
Дилноза Мелиқўзиева

Мусаҳҳихлар:

Сайёра Мелиқўзиева  
Мастура Қурбонова

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50  
бухгалтерия: (71) 260-35-20  
юримдик бўлим: (71) 269-88-91  
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-205.

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 34 094 нусха.

Босишга топшириш вақти: 14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114. Баҳоси: келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 1-уй.

БИР ЧИМДИМ

ЖАҲЛИ ТЕЗ  
ҲЕЧ ҚАЧОН  
ҲАҚИҚАТНИНГ  
ТАГИГА ЕТМАЙДИ.

Миср ҳикмати

БИЛАСИЗМИ?

**ЁҒОЧЛИ САРДОБА** – Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида, Термиз-Тошкент йўли ёқасида Жиззахдан 35 километр шимолда жойлашган сув иншооти. Қадимда Мирзачўлни кесиб ўтган карвон йўлидаги учта сардобанинг бири бўлган бу тарихий ёдгорликни Бухоро ҳукмдори Абдуллаҳон қурдирган.

БИЛАСИЗМИ?

**ТАВОЧИ** – ҳукмдорнинг фармон ва топшириқларини тегишли жойларга зудлик билан етказувчи олий ҳарбий мансабдор. Унинг зиммасига ҳарбий юриш режалаштирилганда зарур воситалар ва қўшинни жам қилиш, лашкарни кўриққа тайёрлаш, қўшинни қулай манзилларга жойлаштириш, қамал қилувчи қисмларни зарур ва қулай истеҳкомларга жойлаштириш, қўшинларнинг умумий аҳволини назорат қилиш каби вазифалар юклатилган.



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Қаҳрамонсан,  
сира ўлмайсан!